جديد

Tilda, fikrda, ishda birlik!

2024-yil 24-may
№ 22(22)
www.jadid-media.uz

# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

**ОЙДИНЛАР**

## БУРУНГИ ВА БУГУНГИ ЖУРНАЛИСТИКА




**Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилиши зарур, бу – замон талаби, ислоҳотларимиз талаби.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

*(4-саҳифада ўқинг).*

# ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН АДАБИЙ ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз юртдошлар!

Муҳтарам адиблар, қадрли ёшларимиз!

Аввало, барчангизни элимизнинг суюкли фарзанди, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг бетакрор ижодига бағишланган бугунги фестиваль – ўзига хос адабиёт ва санъат байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Маълумки, халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоати билан барпо этилаётган Янги Ўзбекистонда миллий адабиёт, маданият ва санъатни ривожлантириш мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этади.

Зотан, маърифатпарвар шоиримиз Абдулҳамид Чўлпоннинг **"Адабиёт яшаса – миллат яшар"** деган ҳикматли сўзларида чуқур маъно бор.

Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини ҳар томонлама ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, уни бугун юз бераётган мураккаб жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур хулосалар чиқариш маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Айниқса, ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда миллий ўзлигимизни англаш, азалий эзгу қадриятларимизни сақлаш ва бойитиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бундай ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда халқимизнинг Эркин Воҳидов каби буюк ва ардоқли фарзандларининг қутлуғ ва ўлмас мероси, албатта, беқиёс ўрин тутади.

Ўйлайманки, бу мўътабар зотни ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улкан шоир ва драматург, моҳир таржимон ва ўткир публицист, таниқли жамоат арбоби сифатида Эркин Воҳидовнинг асарлари миллий адабиётимизнинг "олтин фонди"дан, юртимиз ва чет эллардаги минг-минглаб адабиёт мухлисларининг қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин олгани билан ҳар қанча ғурурлансак, арзийди.

Ҳозирги вақтда юртимизда улуғ шоиримиз хотирасини эъзозлаш ва бой ижодий меросини ўрганиш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Хусусан, Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғи бунёд қилиниб, севимли адибимизнинг ҳайкали ва музейи очилди. Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ташкил этилди. Пойтахтимизнинг Адиблар хиёбонида у кишига бағишлаб муҳташам ёдгорлик обидаси қад ростлади. Шоир таваллудининг 80 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Мен Эркин Воҳидовдек серқирра истеъдод эгаси, ҳақиқий ватанпарвар ва миллатпарвар инсон билан замондош ва маслакдош бўлиб яшаш насиб этганидан бахтиёрман.

Юртимизда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган бугунги жўшқин ислоҳотларимизда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф сингари бетакрор ижодкорларимизнинг ўрни ҳар қадамда сезилиб туради. Аммо ҳозирги кунда етишиб келаётган истеъдодли ёшларимиз – менинг азиз ва қадрли фарзандларим буюк устозларининг йўлини муносиб давом эттираётгани бизга таскин беради.

Бугунги ижодий анжуман доирасида ардоқли шоиримизнинг оташин ва дилбар шеърлари янграётгани, у кишининг ғазаллари асосида айтилган қўшиқлар танлови ўтказилаётгани, бу сўлим масканда Эркин Воҳидов номида боғ барпо этилаётгани таҳсинга сазовордир.

Биз ушбу адабий фестивални ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиш таклифини қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, буюк тарихга эга бўлган, ўз ўтмишидан ғурурланиб, айни вақтда, келажакка юксак ишонч билан интилаётган бугунги ўғил-қизларимиз маънавий булоқларимиздан баҳраманд бўлиб, Янги Ўзбекистоннинг чинакам бунёдкорлари бўлиб вояга етишида мана шундай анжуманларнинг ўрни ва таъсири беқиёс, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу тадбир ташкилотчилари – Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "UzReport" телеканали ва "Туронбанк" мутасаддиларига, шоирнинг фарзандлари ва барча мухлисларига самимий миннатдорлик билдираман.

Фестиваль қатнашчиларини, унинг ғолиб ва совриндорларини, турли ҳудудлардан келган ёшларимизни яна бир бор табриклайман.

Барчангизга соғлик-саломатлик, ижодий ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**МУНОСАБАТ**



## НУРЛИ ЁҒДУ

**Яқинда, аниқроғи, 16 май куни Алишер Навоий номидаги киночилар уйида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида ўтказилган самимий мулоқот соҳа ривожида ғоят муҳим бир ҳодиса бўлганини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Бу – давлатимиз раҳбарининг кинематография муассасаларига иккинчи ташрифи. Дастлаб коронавирус пандемияси авжига чиққан 2020 йилнинг 20 ноябрида тўлиқ реконструкция қилиниб, қайта таъмирланган "Ўзбекфильм" киностудияси фаолияти билан танишиб, бир гуруҳ киноижодкорлар билан дилдан суҳбат қурган эдилар. Умр оқар сув – шунга ҳам орадан уч ярим йил вақт ўтибди. Бу сафар Президентимизни қисқа вақт ичида бутунлай янгича қиёфа ва мазмун касб этган Киночилар уйида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон кино санъати музейида кутиб олдик.**

Очиғи, бу галги учрашув биз учун ҳар қачонгидан кўра ҳаяжонли ва масъулиятли бўлди. Сабаби, биз мамлакат раҳбарини музей экспозицияси билан таништириш асносида кейинги етти йилда ўзбек кинематографиясида амалга оширилган ишлар – суратга олинган фильмлар, истеъдодларни юзага чиқариш, кадрлар тайёрлаш, миллий киномизни тарғиб этиш борасида олиб борилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда келгуси режаларимиз ҳақида ҳисоб беришимиз керак эди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

**ФЕСТИВАЛЬ**

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шоир, драматург, публицист, таржимон ва жамоат арбоби сифатида халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Бўстонлиқ туманида шоир ижодига бағишлаб ўтказилган адабий фестиваль қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг табрик йўллагани ҳам Эркин Воҳидов феномени ижтимоий-маънавий ҳаётимизда нақадар муҳим ўринга эгалигини яққол кўрсатади.**



## "ЮРТДОШИМ, БОҒИНГГА БИР НИҲОЛ ҚАДА..."

У мумтоз адабиётимиз анъаналарини давом эттириб, бетакрор ғазаллар, қасидалар, мухаммаслар битди, сатира ва юморга бой шеърлари билан ижтимоий муаммоларга, кишилар феъл-атвори, табиатидаги қусурларга кўзгу тутди. "Сўз латофати" китоби эса она тилимизнинг теран илдизларини, сўз бойлигини, сержилва имкониятларини кўрсатиб берди.

Бу асарлар билан танишган киши борки, бошқаларга ҳам ундан иқтибослар, гўзал мисралару ҳикматлар улашишга иштиёқ туяди. Анъанавий ижодий фестиваль ҳам ўзбек халқининг зукко ва шижоатли адиби, чинакам маънода халқимиз ва маданиятимиз тимсоли бўлган Эркин Воҳидовнинг сеҳрли ва ибратли асарлари орқали ёшларнинг она тилимизга меҳрини ошириш, ватанпарварлик туйғуларини камол топтириш мақсадида илк бор ташкил этилди.

Шу йилнинг 23 май куни Бўстонлиқ тумани "Green Hills Resort" оромгоҳида улуғ шоиримиз хотирасига бағишланган адабий фестиваль бўлиб ўтди. "UzreportTV", "FTV" телеканаллари, "Турон банк" ва Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган фестиваль кўтаринки кайфиятда бошланди.

Тадбирнинг очилиш қисмида Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли таржимон Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Мелибоев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири, шоир Нодир Жонузоқ Эркин Воҳидов ҳақида ёрқин хотиралари билан ўртоқлашиб, унинг ибратли ҳаёт йўли, серқирра ижоди ҳақида фикр билдиришди. "Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада" мисралари ҳақида алоҳида тўхталган таниқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуровнинг ташаббуси билан оромгоҳ ҳудудида Эркин Воҳидов номидаги боғ ташкил қилинадиган, илк ниҳоллар шу куннинг ўзида экиладиган бўлди.

Фестиваль давомида Эркин Воҳидов шеърлари асосида баҳри байт ўтказилиб, шоир шеърлари яна бир бор ёдга олинди. Мушоирада Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ўқувчиси Шаҳло Сафарова ғолиб деб топилиб, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, устоз шоирнинг севимли машғулотига бағишлаб "Шахмат челленжи" ташкил қилинди. Унда устоз адиблар, ёш ижодкорлар, шеърият ихлосмандлари дона суриб, бу ақлий спорт бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Тадбир якунида шоир шеърлари асосида яратилган қўшиқлар таниқли хонандалар томонидан куйланди. Фестиваль ижод кайфиятида, шеър руҳида якунланди. Меҳмонлар оромгоҳдан қайтишди, аммо уларнинг кўнглида Эркин Воҳидов сиймосига қалбан яқинлик туйғуси муҳрланиб қолди. Бир сўз билан айтганда, ушбу фестиваль барчанинг қалбида шеъриятга меҳр деган "бир ниҳол қадади".

**Шавкат ДЎСТМУҲАММАД**

**БУГУННИНГ ГАПИ**

## МАЪНАВИЯТ – ИНСОН БЎЛИБ ЯШАШ ДЕГАНИ

**Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек ҲАСАНОВ билан суҳбат**

***– Сўнгги йилларда маънавият ҳақида кўп ва хўб гапирдик. Оқибатда бу сўзни эшитган кишининг ғаши келадиган, энсаси қотадиган бўлиб қолди. Сиз бу ҳолатга қандай муносабат билдирасиз?***

– Маънавият тушунчаси атрофида доим баҳс-мунозаралар кўп бўлган. Ҳар ким ўзича фикр билдирган, қарашларини илгари сурган. Ҳатто, маънавият керак эмас, деб ҳисоблайдиган тоифалар ҳам бор. Асл ҳақиқат эса шуки, одамларнинг кундалик ҳаётида, жамиятда маънавиятнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Таниқли адибимиз Ўткир Ҳошимов таъкидлаганидай, "одамзодни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи маънавиятдир". Афсуски, бугун мазкур чегарага урғу берилгани сайин унга ёт кўз билан қарайдиган тоифалар учраб турибди. Маънавият аслида ҳар биримизнинг ботинимизда бўлади. Маънавиятли кишилар Ватанни ҳам, элни ҳам индамай севаверади. Халқнинг ташвиш-муаммоларига ечим излайверади. Ёлғон ва пуч ваъдаларга учиб кетавермайди. Шу маънода, миллатнинг маънавиятини ўзгартирмоқчи бўлган инсон, энг аввало, ислоҳотларни ўзидан, оиласидан, ён-атрофидаги дўстларидан бошлаши керак.

Одамларни "маънавиятли" ва "маънавиятсиз"га ажратиш ҳам мавҳум тушунча. Ҳар кимнинг қалбида у ёки бу даражада маънавият илдизлари мавжуд. Чунки ҳар бир одамнинг кўнглидаги эзгу орзу-ниятлари, хайрли амаллари, уйи, қариндошлари, Ватани – маънавият. Фақат ён-атрофдаги муҳит, турли ахборот хуружлари, ёвуз ниятли кимсаларнинг саъй-ҳаракатлари каби омиллар кўпчиликни йўлдан адаштириб қўйиши мумкин. Шу маънода маънавият – инсон бўлиб яшаш дегани.

***– Ҳозирги замон ёшлари учун ўн йил олдинги гаплар ҳам қизиқарли эмас. Улар доим янгиликка интилиб яшашни маъқул билади. Шу маънода, маънавият деб фақат аждодларимиз ютуқларини кўз-кўз қилавериш ҳам самарали натижа бермаслиги мумкин. Соҳага янгича назар билан боқиш фурсати келмадимикин?***



*(Давоми 3-саҳифада).*

**ОҚ ЙЎЛ!**

## КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА



**Эртага, 25 май куни мамлакатимиз бўйлаб 2023-2024 ўқув йилининг сўнгги қўнғироғи жаранглайди. Бу йил юртимиздаги 10163 та мактабда 992 213 нафар ўқувчи 9 ва 11-синфни битиради. Йил бўйи мактаб таълим-тарбиясини олган болалар бир ёшга улғайиб, юқори синфга ўтишади ва янги ўқув йили олдидан куч йиғиш учун ёзги таътилга чиқишади. 11-синф ўқувчилари эса, бу йил ёзги таътилга эмас, ўзлари кўпдан кутган мустақил ҳаёт учун курашга бел боғлашади. Болалар ёши улғайиб борар экан, таълим жараёнида турли фанлардан имтиҳонлар топшириш билан бирга, ҳаётнинг илк синовларидан ҳам ўтиб боришади. Янги дўстлар орттиради, дунёни кашф этишади.**

*(Давоми 2-саҳифада).*

# НУРЛИ ЁҒДУ



Бошланиши 1-саҳифада.

Ахир, Президентимиз ушбу соҳа вакилларига жуда катта ишонч ва умид билан қараб, яқин вақтгача тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган шароитларни яратиб бердилар. Етти йил оралиғида кино санъатини ривожлантириш бўйича ўндан ортиқ Фармон, қарор ва фармойиш қабул қилинди.

Бундай эътибор ва ғамхўрликнинг қадрига етиб, белгиланган вазифалар ижросини аниқ амалий ишлар воситасида намоён этишимиз зарур эди. Бир неча ой давом этган тинимсиз изланишлар, янги-янги дизайн таклифлари асосида экспозиция қуриш, ўзгартириш, такомиллаштириш натижасида мақтанса, ғурурланса арзигулик маърифий-бадиий бир кошона бунёд этилди.

Кинематография сарҳадларида кейинги йилларда олиб борилган ислоҳотларнинг улуғвор ва кенг манзараси акс эттирилди бу ерда. Шунингдек, музей экспозициясининг бир қисмида Ўзбекистонда ушбу санъатнинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ қарийб юз йиллик тарих жонли лавҳалар, ноёб ҳужжат ва ашёвий далиллар воситасида кўрсатиб берилди.

Шу ўринда айрим хотиралар ҳам ёдга тушдики, уларни айтмасак бўлмас. Президентимиз шу куни киночилар саройида бўлиб ўтган мулоқот чоғида ўтган асрнинг 70-80-йилларида, эндигина институтни битириб, қизғин иш бошлаган кезларида ушбу масканда ўтказилган бир анжуманда сўзга чиқиб, ўша пайтларда Ўзбекистонга раҳбарлик қилган Шароф Рашидовнинг назарига тушганини ҳам тилга олиб ўтдилар. Ана шунда беихтиёр бундан йигирма йилча аввал юз берган бир воқеа ёдимга тушди. Айнан шу пайтда ҳамма йўналишларда авжига чиққан "приватизация" – хусусийлаштириш шиори остида республикадаги юзлаб кинотеатрлар турли тижорий тадбиркорлар, ҳатто қоғозда бору амалда йўқ хорижий фирмалар тасарруфига ўтказилаётган эди. Халқимиз "Панорама" деб эъзозлайдиган ушбу тарихий маскан ҳам юқоридаги рўйхатга тушган эди. Пойтахтнинг қоқ марказидаги бу гавжум бинони "тунги клуб" ва ҳатто бир чеккасида ҳаммом – "сауна" қуришни режалаштирган айрим бизнесменлар катта лавозимдаги амалдорлар кўмагида ўз ниятига эришай деб турган вазият эди. Яқинда Бош вазир лавозимида фаолият бошлаган Шавкат Мирзиёев айни шу вазиятда қатъият ва ирода кўрсатиб, "йўқ" деб айта олди ва кино саройини маънавият ўчоғи, халқнинг маданий маскани сифатида сақлаб қолди. У киши сарой биносининг 1977 йилдаёқ "замонавий меъморлик намунаси" сифатида маданий обидалар рўйхатига киритилганини асос қилиб келтириб, кино саройининг сотиб юборилишига йўл бермади.

"Янги Ўзбекистон кино санъати" музейининг асосий экспозициялари тўлиқ янги даврнинг фильмларига бағишланган. Албатта, сўнгги етти йиллик давр билан қарийб юз йиллик тарихнинг нисбати томошабинда савол уйғотиши табиий. Гап шундаки, ўзбек киносининг миллий санъат сифатида янгича мазмун ва миқёс кашф этиш кўлами сўнгги етти йилда юз берди, десак, сира муболаға эмас.

Шу ўринда биргина фильмлар суратга олиш ҳажмларини қиёслаб кўрайлик. Собиқ иттифоқ даврида "Ўзбекфильм" киностудиясига ҳар йили 6 тагина бадиий фильм суратга олиш учун маблағ ажратиларди. Шунда ҳам бу ижодий маҳсулотларнинг ярми маҳаллий режиссёрларга тегишли бўлса, ярми собиқ Марказда ўтирган кинорежиссёр ва сценарийнависларнинг "ҳақи" ҳисобланар эди. "Самолётлар қўнолмади" (1962), "107-инструкция" бўйича тўнтариш" (1982), "Чуқурликдан репортаж" (1984), "Лейтенант Некрасовнинг айби" (1985), "Қўпол қўниш" (1985) каби "Ўзбекфильм"да суратга олинган, халқимизга ҳам, Ўзбекистонга ҳам мутлақо алоқаси бўлмаган кўплаб фильмлар шу тариқа пайдо бўлган эди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг дастлабки даврларга келиб кино соҳаси деярли унутилди. Кейинроқ эса, фильмлар яратишдан кўра кўпроқ кинотеатрлар, киноқурилма ва бошқа мулкларни сотишга зўр берилди. Шу тариқа кинотармоқ "гоҳ у, гоҳ бу қирғоққа урилиб", росмана қанот ёзолмай, тайин ривож топмай яшади. Юзлаб киноижодкорлар соҳадан бутунлай чиқиб кетди. Кинематографияни қайта тиклашга бўлган уринишлар рағбат ва муносабат тизимли йўлга қўйилмагани учун ночор аҳволда қолаверди.

2017 йилга келиб вазият тубдан ўзгарди. Бадиий, ҳужжатли ва анимацион фильмлар яратиш ҳажми бир неча баробарга оширилди, режиссёрлар, сценарийнавислар, оператор, рассом ва бошқа мутахассислар яна ўз касбига қайтди, янги, ёш истеъдодлар бўй кўрсатди, "Ўзбекфильм" киностудиясининг моғор босган, мудом рутубат уфуриб турадиган биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш учун катта маблағлар ажратилди. Натижада у тез орада жозибадор, гавжум ижодий даргоҳга айланди.

2017 йилгача бўлган даврда "Ўзбекфильм"нинг биноси ва ҳудуди гўёки унинг танасига канадек ёпишиб олиб, "қонини сўриб ётган" ҳар хил тижорий фирма, дўкон, қурилиш ашёларини ишлаб чиқарувчи катта-кичик ижарадор корхоналардан тозаланиб, фақат кино соҳасига йўналтирилган юмушлар билан машғул йирик муассаса ҳолига келтирилди. 2021 йили Президентимизнинг Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ҳақидаги қарори қабул қилингач, бу маскан азим пойтахтимизнинг энг дилтортар гўшасига айланди. Табиийки, ушбу даргоҳда ҳозирда фаолият юритаётган барча ходимлар, умуман, соҳа ижодкорлари ва техник касб вакиллари мунтазам иш ва ижод билан машғулдирлар.

Бундай улкан ўзгаришлар натижаси ўларoқ, мамлакатимиз раҳбари кинотармоқ олдига қўяётган вазифалар – тарихий ва замонавий мавзуларда етук фильмлар яратиш, миллий қадриятларимиз, безавол анъаналар, ижод, яратиш, бунёдкорлик завқи, юрт ҳаётига дахлдорлик туйғуларини кино воситасида халқимиз, айниқса, ёшларнинг онгги ва қалбига сингдириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссиётини юксалтириш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қиладиган юзлаб янги бадиий, ҳужжатли, анимацион фильмлар яратилди, танлов ва фестиваллар ўтказилмоқда. Бу асарлар "Кино карвони" воситасида бепоён юртимизнинг шаҳру қишлоқлари, маҳалла-овулларига, чекка-чекка ҳудудларигача етказилмоқда, халқимиз севган кино усталари, актёр-актрисалар, ёш ва фахрий ижодкорлар жойларда халқимиз билан учрашиб, улар билан ҳамнафас бўлишмоқда. Шукрки, халқимиз санъаткорларини суяди, эъзозлайди, уларнинг сўзига қулоқ тутади.

Шу билан бирга, охирги йилларда ўзбек киноси ва соҳа заҳматкашларининг қадами етти иқлимга етди, десак, муболаға бўлмайди. Миллий фильмларимиз Европа, Америка ва Осиёдан тортиб, бу ёғи Африкаю Австралияда ҳам ўтказилаётган кинофестивалларда намойиш қилиниб, нуфузли мукофот ва совринларни қўлга киритяпти.

Кино санъати музейи экспозициясининг энг муҳташам бўлимларидан бири – бу Имом Термизий, Баҳодир Ялангтўш, Амир Умархон, Нодирабегим, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Зулфия ва Ҳамид Олимжон, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Абдулла Орипов сингари улуғ сиймоларга бағишлаб суратга олинган ўнлаб тарихий фильмларимиз учун тайёрланган "Тарихий либослар кўргазмаси" ҳамда "Янги Ўзбекистон киносининг халқаро эътирофи" деб номланган совринлар стенди ҳар қандай томошабиннинг эътиборини жалб қилади. Агар 2017 йилгача олинган халқаро мукофотлар сони ўн-ўн бешта атрофида бўлса, сўнгги етти йилда ўзбек кинофильмлари ва киноижодкорлари нуфузли халқаро кино танловларида 60 га яқин совринларга сазовор бўлиб, дунё миқёсида эътироф қозондилар.

Юртбошимизга ҳужжатли кино соҳасида маданият, санъат, адабиёт, тарих, археология, архитектура, спорт, туризм, диний-маърифий ва бошқа кўплаб мавзулар бўйича фильмлар яратиш жараёни ва унинг натижалари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ҳам тақдим этилди. Муҳтарам Президентимиз бу экспозицияни ҳам диққат билан кўздан кечириб, ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди. "Устоз ва шогирд" устахонаси, хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган анимация студияси, хотира портретлар галереяси, замонавий бадиий фильмлар кўргазмалари, киномизда охирги йилларда юз берган ижодий жараёнлар, хориждан рақамлаштирилган ҳолда сотиб олинган 100 та ретро-фильмларимизнинг "олтин фонди" билан ҳам танишдилар. "Ипак йўли дурдонаси" дея янги ном билан тикланиб, 2021 йилдан буён уч маротаба ўтказилган Тошкент халқаро кинофестивалининг унутилмас лаҳзалари, жаҳонга машҳур режиссёрлар, актёр ва актрисалар, киноарбобларининг тасвирлари акс этган алоҳида экспозиция у кишининг назаридан четда қолмади.

Музей билан танишгач, муҳтарам Президентимиз киночилар уйининг анжуманлар залида бир гуруҳ киноижодкорлар билан учрашиб, улар билан самимий суҳбат қурдилар. Эътироф ва таҳсинларини изҳор этиб, кино санъатининг ҳозирги глобал жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти, маънавий қадриятларимизни ёшлар қалби ва шуурига таъсирчан усулларда етказиш, бугун эришаётган юксак ютуқ ва натижаларимизни кино воситасида дунёда тарғиб қилиш бўйича бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб бердилар.

Учрашувда Президентимизнинг ташаббусига асосан ишлаб чиқилган "Тирик тарих" лойиҳаси доирасида 50 дан ортиқ тарихий, тарихий-биографик фильмлар яратиш дастурининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи ўзбек киноижодкорларининг сўнгги етти йиллик фаолиятига берилган холис ва ҳаққоний баҳо бўлди, дейиш мумкин.

**Шуҳрат РИЗАЕВ,**
**Кинематография агентлиги директорининг биринчи ўринбосари**

---

# КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Бошланиши 1-саҳифада.

Аммо барча воқеа-ҳодисалар ичида ўқувчилар учун мактабдаги биринчи ва сўнгги қўнғироқ орасидаги таълим жараёни оламни англашдаги энг муҳим босқичдир. Афлотун академиясида илк бор чалинган қўнғироқ ҳамон дунёда битирувчи синф ўқувчилари учун анъанавий ва унутилмас воқеа бўлиб қолмоқда. Бу йил республикамиз мактабларидаги 11-синф битирувчиларининг 14 мингдан ортиғи олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлишади. Уларнинг 42 нафари халқаро фан олимпиадалари ғолиби, 3 нафар битирувчи қиз эса, ўқувчилик давридаёқ Зулфия номидаги давлат мукофотига лойиқ деб топилди. Бу муваффақиятларнинг барчаси мактаб ўқувчиларининг ҳаётда аниқ мақсад сари интилаётганидан далолат беради.

Сўнгги қўнғироқ арафасида барча мактабларда ўтган ўқув йилида эришилган натижалар сарҳисоб қилинади, ана шунда янги ўқув йилида қилинажак ишлар ойдинлашади. Умуман, мамлакатимиз мактабгача ва мактаб таълими тизими тараққиёт йўлидан бораётгани шундай кунларда яққол намоён бўлади.

Бу йил пойтахтимиздаги 341 та умумтаълим мактабини 79751 нафар ўқувчи битирмоқда. Уларнинг 45757 нафари 9-синф, 33994 нафари 11-синф ўқувчиларидир. Умумтаълим мактабларининг 4-синфини 46469 нафар ўқувчи якунлаб, 5-синфга ўтишади. Агар умумий таълимнинг ҳар уч босқичи битирувчилари сонига қарасангиз, мактаб ўқувчилари сони йилдан-йилга ортиб бораётгани маълум бўлади.

Тошкент шаҳридаги 11-синф битирувчиларининг 1189 нафари мактабни имтиёзли аттестат билан якунлаб, уларнинг 136 нафари кумуш ва 1053 нафари олтин медаль билан тақдирланади.

Пойтахтлик битирувчи ўқувчилар жорий ўқув йилида республика фан олимпиадаларида ўнга яқин олтин ва кумуш медалларни қўлга киритишди. Бундан ташқари, давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган фан олимпиадаларида 61 нафар ўқувчи ғолиб бўлиб, муддатидан олдин талабалик мақомига эришди. Шунингдек, шаҳар бўйича 3609 нафар битирувчи синф ўқувчилари фанларни ўзлаштириш ва чет тилини билиш бўйича халқаро ва миллий сертификат олишган. Демак, уларни ҳам ишонч билан талабалар сафига қўшиш мумкин. Хуллас, 11-синф битирувчиларининг 10-15 фоизи ҳали сўнгги қўнғироқ жарангламай туриб, талаба бўлишган.

"Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир", деган эди Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида. Бу борада Республика Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалардан кўнгил тўлади. Президентимиз айтганидек, улар тўғри йўлдан бораётганига амин бўламиз. 2023-2024 ўқув йилида Агентлик тизимидаги мактаблар сони 13 тага кўпайиб, жами 205 тага етди. Бу йил 14 та Президент мактабида 2352 нафар, 9 та ижод мактабида 1788 нафар, 182 та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда 66146 нафар, Янги Ўзбекистон университетида 655 нафар ўқувчи-ёшлар таълим олишди. Президент мактабларини 319 нафар, ижод мактабларини 263 нафар, ихтисослаштирилган мактабларни 5868 нафар ўқувчи тамомламоқда. Бу ўқувчиларнинг мустақил ҳаётга ҳам, таълимнинг кейинги босқичига ҳам тайёрлиги бизни мамнун этади. Жумладан, Президент мактаблари битирувчиларининг 67 фоизи халқаро математика ва инглиз тилини билиш даражасини баҳоловчи (SAT) сертификатларга эга бўлишди. Бу ўтган йилга нисбатан 17 фоиз кўп демакдир.



Агентлик тизимидаги мактабларни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги пешқадам таълим муассасалари деб айтиш мумкин. Ҳали юртимиздаги барча мактаблар босқичма-босқич Президент мактабларига айланишига ишончимиз комил.

Шунингдек, Агентлик тасаррруфидаги мактабларда ишга ижодий ёндашув, ноанъанавий кўрик-танловлар ўқувчиларнинг илм олишга бўлган рағбатини оширишга хизмат қилаётгани кишини мамнун этади. Жумладан, бу йил ўқувчиларнинг дастурлаш ва робототехникага бўлган қизиқишларини кучайтириш, ёшлар ўртасида ушбу йўналишни оммалаштириш мақсадида "ROBO-CODING" олимпиадаси, математика фанидан қизлар олимпиадаси ташкил этилди. Ҳатто ўқитувчилар орасида фан олимпиадаси ўтказилиб, унда юқори натижа қайд этган 10 нафар ўқитувчига Фан кенгашига аъзолик сертификати топширилди. Улар маҳаллий ва халқаро олимпиадаларга ўқувчиларни тайёрлаш, тегишли материалларни ишлаб чиқиш жараёнларига, турли нуфузли тадбирларга жалб этилади. Агентликка қарашли мактаб ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида 17 та (2 та олтин, 5 та кумуш, 10 та бронза) медални қўлга киритишди. Хусусан, Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилган 20-халқаро Жаутиков олимпиадасида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 10-синф ўқувчиси Асилбек Суннатов информатика фанидан олтин медаль билан тақдирланган илк ўзбекистонлик ўқувчи бўлди. Ушбу фан олимпиадасида битта кумуш ва тўртта бронза медаллар ҳам қўлга киритилди.

Президент мактаблари битирувчиларининг барчаси муддатидан олдин нуфузли хорижий олийгоҳларда ўқиш имкониятига эга бўлган бўлишса, ижод мактаблари битирувчиларининг 90 фоизи, ихтисослаштирилган мактаб битирувчиларининг 56 фоизи хорижий тиллар бўйича халқаро ва миллий даражадаги сертификатларни қўлга киритишган. Ижод мактаблари битирувчиларининг 56 фоизи муддатидан олдин хорижий ва маҳаллий олийгоҳлардан таклифларни қабул қилишган.

Таъкидлаш жоизки, мактаб битирувчиларини олий таълим муассасаларига қабул даражаси бундан 20 йил аввал бор-йўғи 10 фоиз бўлган бўлса, айни пайтда 40-45 фоизга етди. Ёшларнинг илм сари йўлларини очиш, уларга катта имкониятлар яратиш ниятида кейинги йилларда республикамизда кўплаб олий ўқув юртлари ташкил этилди. Қолаверса, бугунги ёшлар Европа ва Америкада, бутун дунёдаги нуфузли институт ва университетларда таълим олишлари учун барча чоралар кўрилмоқда.

"Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади" деган концептуал ғояни чуқур англаб етган ўқитувчи-мураббийларимиз яна бир маррани эгалладилар. Мазкур ғоя асосида юртимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёни эса жадал давом этиб, ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

**Ҳумоюн АКБАРОВ**

# МАЪНАВИЯТ – ИНСОН БЎЛИБ ЯШАШ ДЕГАНИ

Бошланиши 1-саҳифада.

– Маънавият соҳасида нафақат замон билан ҳамнафас, балки Президентимиз таъкидлаганидай, бугунги ҳаётдан ўн қадам олдинда юриш шарт. Бу – давр талаби. Ўтган йили Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари "Биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлод тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беряптими?" сингари саволларни ўртага қўйган эди. Ўзини зиёлиман деган ҳар бир миллатдошимиз бу саволларни ҳар куни, ҳар соатда ўзига ўзи бериши ўта муҳим ва долзарб. Боиси, соҳада қилинаётган ислоҳотларининг ҳаммаси миллат эртасига, Ватан тақдирига, юрт келажагига бевосита дахлдор. Шу билан бирга барчамиз ҳамжиҳатликда саволларга жавоб топишимиз, муаммоларга ечим ахтаришимиз зарур.

Чиндан ҳам, ахборот технологиялари ривожланган, ахборот алмашинуви тезлашган ҳозирги замон боласига ўн йил олдинги эмас, ҳатто бир соат олдин айтилган гап ҳам қизиқ бўлмаслиги мумкин. Аммо уларнинг шижоати, куч-ғайрати, интилувчанлигини кўриб одамнинг ҳаваси келади. Шу билан бирга, уларнинг қизиқиш ва қарашлари жуда ўзгарувчан бўлади. Бундай ёшларнинг кучи нотўғри мақсад ва ғояларга йўналтирилишига йўл қўймаслигимиз керак. Жанг майдонида ҳам рақиблар душманининг энг заиф жойини топиб зарба беришга ҳаракат қилади. Шу маънода, бугунги глобал ахборот майдонида ёшларимиз турли ғаразли кучларнинг нишонида қолиб кетмаслиги лозим. Глобаллашув шароитида инсон онги ва қалбини забт этиш масаласи ўртага чиқмоқда. Шундай экан, бу борада кураш кескин тус олаётган даврда ёшларимизни хавф ва таҳдидлардан асраш, уларнинг мустақил фикри, эътиқоди ва қатъий ҳаётий позициясини шакллантириш шарт.

Республика Маънавият ва маърифат маркази турли давлат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда катта лойиҳаларни амалга оширишни режалаштириб турибди. Қолаверса, бугун фақат тарғибот тадбирлари билан кўзлаган мақсадга эришиб бўлмайди. Айни пайтда марказ фаолиятининг 30 фоизини анъанавий тарғиботга, 40 фоизини рақамли тарғиботга ва 30 фоизини амалий-методик қўлланмалар яратишга йўналтирмоқчимиз.

Миллат тарбияси ва маърифатининг ривожланишида зиёлиларнинг ўзаро бирлашуви ва фидойилиги жуда муҳим. Зеро, Чўлпон айтганидай "миллатни уйғотиш – уйғонганларнинг вазифаси"дир. Шу сабабли марказимизда зиёлиларни ягона мақсад йўлида жипслаштириш, ёшларни йўналтириш, жамият ҳамжиҳатлигини таъминлаш, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби қатор йўналишларда янги лойиҳаларни амалга оширишни кўзлаб турибмиз.

***– Роппа-роса бир аср бурун жадид боболаримиз "Нажот – таълимда" деган ғояни илгари суриб эди. Ҳозир орадан кўп вақтлар ўтиб кетди. Одамларнинг ҳаётга қарашлари, тутумлари ўзгарди. Хўш, бугун маънавий камолотнинг бошланғич нуқтаси қаерда: таълимдами ёки тарбияда?***

– Инсоннинг қалби ўзгарса, унинг маънавияти ҳам ўзгаради. Жадидлар ҳам биринчи галда одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш орқали жамиятни ислоҳ қилишга интилган. Илмни ана шу эзгу мақсад йўлидаги нажоткор куч дея билган. Ҳозир ҳам бу фикр ўз аҳамиятини йўқотмаган. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар маърифатпарвар боболаримизнинг орзу ва мақсадларига ҳамоҳанг. Президентимизнинг "Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби ғарб илм-фани ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур", деган сўзлари замирида айни шу ҳақиқат мужассам. Шу боис мамлакатимизда таълимни тарбия билан биргаликда ривожлантиришга аҳамият қаратилмоқда. Янада содда қилиб айтсак, бир инсон оилада туғилиб, маҳаллада улғаяди. Мактабда илм олиш орқали эса маънавий тарбиянинг узвийлиги таъминланади.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида 5-сектор сифатида "Маънавият сектори"ни ташкил қилиш, бу борада "Сурхондарё тажрибаси"ни ўрганиш вазифасини белгилаб бердилар. Илгари сурилган мазкур эзгу ҳаракат бугун ҳар бир ҳудудда ташкил этилган секторлар жамиятдаги мавжуд муаммоларга тизимли ёндашиб, соҳадаги вазифаларни белгилаб олишда қўл келмоқда. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш билан бирга, аҳоли кенг қатламини китобхонликка жалб этиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маданият ва санъатга ошно қилиш, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни оммалаштириш ҳамда халқимиз орасида меҳр-оқибат туйғуларини кучайтиришга кенг йўл очилмоқда. Шунинг қаторида ташкилот ва корхоналарнинг масъул раҳбарлари, зиёлилар бириктирилган ҳолда, ҳудудларнинг ижтимоий-маънавий харитаси яратилмоқда. Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан тузилган олимлар, тадқиқотчилар, зиёлилар,



соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ янги секторнинг иш самарадорлигини ўрганмоқда. Секторлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича намунавий методик қўлланмалар, тавсиявий йўриқномалар яратилмоқда.

Бугун маънавият ва маърифат ишини янги поғонага кўтариш учун фаол фуқароларга эҳтиёж сезамиз. Шу сабабли марказда олимлар, соҳа мутахассислари томонидан "Фаол фуқарони шакллантириш" концепцияси лойиҳаси тайёрланмоқда. Мазкур ҳужжатда гўдакка она қорнидалигидан бошлаб, то улғайгунича бериладиган эътибор, тарбия, маърифий озуқа асослари яратилмоқда. Шунингдек, концепцияда зиёлиларнинг ўз билганларини ўзгаларга ўргатиши масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Фаол фуқаролар сафининг энг олдинги қаторида зиёлилар бўлиши ҳақидаги ташаббус ишлаб чиқилмоқда. Агар у бугун "менга тинчлик керак" деса, жамиятда нотинчлик кўпаяверади, у "мен гапирмайман" деса, душманларимизни "минбар"га чиқарган бўлади.

***– Бугун одамлар китоб ўқимаётгани ортидан маънавиятимиз ҳам қашшоқлашиб кетаётганидан қайғуряпмиз. Дунёда бу борада аҳвол қандай? Марказ томонидан жаҳон тажрибалари ҳам ўрганиляптими?***

– Китоб – инсон томонидан яратилган энг катта мўъжиза. Чунки китоб орқали ҳар куни уйингизда ёзувчи, олим, донишмандлар билан хаёлан мулоқот қиласиз.

Саволга келадиган бўлсак, китоб ўқилмаяпти, деб нолиган билан жамиятда китобхонлик шаклланиб қолмайди. Энг аввало, нима учун ўқилмаётганини ўрганиб кўриш керак. Сўровномалар ўтказиб, тадқиқотлар уюштириш зарурдир, балки. Хорижий давлатларда мунтазам одамларнинг қандай, қанча китоб ўқигани ҳақида тадқиқот олиб бориб турилади. 2022-2023 йилларда ўтказилган сўровномада Европа, АҚШ, Осиё, Австралия, Канада, Африка ва Жанубий Америка аҳолиси ўзларининг китобхонлик одати ва севиб ўқийдиган жанрлари ҳақида фикр билдирган. Ижтимоий сўровномада қатнашганларнинг 27 фоизи бир йилда 20 дан ортиқ, 32 фоизи 1-5 дона китоб мутолаа қилганини айтган. Шунингдек, уларнинг 18 фоизи 6 тадан 10 тагача, 19 фоизи эса 11 дан 20 тагача турли мавзуларда асарлар ўқиган. Натижада америкалик ва британиялик кишилар кўп китоб ўқигани ойдинлашган. 2022 йилда дунёдаги энг оммабоп жанрлар учлигига тарихий китоблар (34 фоиз), детектив ҳикоялар (33 фоиз) ва автобиографик-мемуар асарлар (31 фоиз) кирган.

Фикримча, бугун жамиятда китобхонлик даражаси пасайганини қуруқ гаплар билан иддао қилмасдан амалий ишларга ўтиш фурсати етди. Ҳозир марказимиз томонидан "Китоб марафони" лойиҳасини бошлаш режалаштирилмоқда. Шу йўл орқали жамиятимизда китобхонлар сонини аниқлаш, қизиқиш ва талабларини ўрганиб, бу борада таҳлилий маълумотларга эга бўлишни ўйлаяпмиз.

Ёшлар орасида китобхонлик камайгани борасида бир мулоҳаза бор: болаларда ёшликдан китобга меҳр, китоб ўқишга иштиёқ уйғотиш керак. Афсуски, бугун болалар учун китоб ёзадиган ўзбек ёзувчилари жуда кам. Болалар қизиқиб ўқийдиган, турли ёшга доир ранг-баранг, саргузаштларга бой асарлар йўқ ҳисоби. Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, болалар ёшига қараб асарлар тоифаланган, уларнинг севимли ёзувчилари ҳам талайгина. Шундай экан, биз болалар адибларининг сафини кенгайтиришимиз, уларни рағбатлантириб, янги авлод асарларини яратишига шарт-шароит ҳозирлашимиз шарт. Бугун кутубхоналардаги китобларнинг кўпи чет тиллардан таржима қилингани ёки ўша тилнинг ўзида нашр этилганини кўриш мумкин. Фарзандларимиз эргашадиган, ҳавас қиладиган қаҳрамонларнинг ҳеч бири ўзимизники эмас, барчаси бегона сиймолар. Шуни инобатга олиб, биз болалар адабиёти йўналишида қалам тебратадиган ижодкорларни рағбатлантириш учун турли хил кўрик-танловлар ташкил этишни ният қилганмиз.

***– Ёшларимиз китоб ўқимаётган бўлса, яна қандай воситалар орқали уларнинг таълим-тарбиясига таъсир кўрсатишимиз мумкин?***

— Ёшлар бутунлай китоб ўқимаяпти, деган фикрларга қўшила олмайман. Ўқиётган ёшларимиз ҳам кўп. Президент ташаббуси билан бундай китобхон ёшларга автомашиналар совға қилинаётгани, турли рағбатлар берилаётгани ортидан ҳам китобга қизиқиш, мутолаага меҳр, китобхонлик яна ортмоқда.Китоб ўқимаслик фожиа бўлса, юзта китоб ўқиб, бирон-бир хулосага келмаслик чинакам мусибатдир. Бу – инсон фикрламаяпти, дегани. Шунинг учун болаларга китобхонликни болалигидан сингдириб бориш, бу борада ота-оналар фарзандларига ўрнак бўлиши лозим. Имом Ғаззолийнинг шундай фикри бор: "Бола – ота-она қўлидаги омонат. Унинг қалби турли нақш ва расмлардан холи. Қандай нақш солинса, қабул қилади... Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, саодатли бўлади".

Ҳозир китобдан бошқа тарбия воситалари ҳам мўл. Масалан, кино, мусиқа санъати асарлари, бола яшайдиган муҳит, оила, маҳалла, у таҳсил оладиган мактаб – буларнинг барчаси тарбияда катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда марказ томонидан болага миллий, халқона усулда тарбия беришнинг аниқ методик асослари устида изланиш олиб борилмоқда. Бу методик асослар қўлланма ҳолида чоп этилиб, ҳар бир ота-она, маҳалла, боғча ва мактабларга етказиб берилади.

"Биз бир бўлсак – халқ, бирлашсак – Ватанмиз!" шиори остида ҳудудларда турли лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, Кинематография агентлиги билан ҳамкорликда "Кинокарвон" ижодий-маданий лойиҳаси маҳалла ва таълим муассасаларига кириб бормоқда. Ёшлар ўртасида севимли кино қаҳрамонлари ҳақида иншолар танлови ўтказилмоқда. Ҳозирга келиб, Навоий, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида лойиҳа қамрови 43 та туман (шаҳар), 40 нафар "Маърифат" тарғиботчилари, 25 300 нафар аҳолини қамраб олди. Шунингдек, марказ томонидан ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган анимацион роликлар, тарбиявий аҳамиятга эга вайнлар, қисқа метражли филмлар яратиш устида аллақачон ишлар бошлаб юборилди. Мана, куни кеча муҳтарам Президентимиз томонидан Тошкентда ўзбек эстрадаси асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкали очилди. Киночилар саройида кино санъатимиз тарихига бағишланган музей ҳамда "Тирик тарих" лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Айтилганидек, санъат ва маданиятга қаратилаётган эътибор ҳам аслида юксак маънавиятли авлодни тарбиялашнинг муҳим шарти.

***– Барча ташкилот ва таълим муассасаларида маънавият ва маърифат бўлимлари бор. Уларнинг фаолияти аксарият ҳолларда қоғозбозлик, ҳисоботбозликдан иборатдек. Бунинг боиси соҳада ўз вазифасини етарли даражада билмайдиган ходимлар фаолият юритишидами ёки талаб шундайми?***

– Ҳар бир соҳада ишга муносабат жуда муҳим. Маънавият ва маърифатга масъул инсон бу масъулиятни яхши англамаса, теран ҳис қилмаса, бундан ортиқ кўргилик йўқ. Марказ томонидан ишчи гуруҳ тузилиб, ҳудудларда ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Бу борадаги дастлабки хулосалар ҳам ҳудудлардаги маънавият ва маърифат бўлимларининг энг катта камчилиги айнан кўзбўямачиликдан иборат эканлигини кўрсатмоқда. Топшириқларни хўжакўрсинга бажариш, ҳатто қоғозбозлик ва кўчирмакашликка ружу қўйиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Албатта, бунақа ножоиз ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда.

Бугун турли йўналишларда маънавий-маърифий соҳага масъул бўлган 40 мингдан ортиқ киши бор. Буни бемалол катта бир армия дейиш мумкин. Республика Маънавият ва маърифат марказини фақатгина тарғибот тадбирларини амалга оширадиган ташкилот эмас, балки ана шу катта гуруҳни амалий-методик қўлланмалар, услубий ишланмалар билан таъминлаб турувчи ташкилотга ҳам айлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари мос равишда ушбу кенгашнинг жойлардаги бўлимлари раҳбари ҳисобланади. Шундан ҳам билиш мумкинки, бугун тарбия, маърифат масаласи муҳим, эътиборда, доимий назоратдадир.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан алоҳида ишчи гуруҳ тузилиб, жойлардаги маънавий-маърифий ишларнинг ҳолати тизимли ўрганилиб, таҳлилий-амалий тавсиялар берилмоқда. Уларни амалий-методик қўлланмалар, услубий ишланмалар билан таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳозирда барча ҳудудлар бўйлаб ўрганиш ишлари давом этмоқда, маънавий-маърифий ишлар ҳолатини баҳолаш тизими жорий этилди. Хусусан, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент вилоятларидаги ўрганиш натижалари бўйича вилоятлар ҳокимлари иштирокида танқидий-таҳлилий йиғилишлар ўтказилди. Шу ўринда баъзи туманлар ҳокимлари йилнинг бир чораги давомида бирон марта маънавият муаммоларига эътибор қаратмагани ачинарлидир. Иқтисодий муаммолар ечим топиши мумкин, лекин одамлар онгидаги маънавий қашшоқликнинг ўрнини тўлдириш қийин бўлади.

***– Жадид маърифатпарварлари миллат тараққиётини умуммиллат маънавияти, маърифати юксалиб, иллатлардан халос бўлиши билан боғлиқ деб ҳисоблаган. Айтинг-чи, ўз даврида жадид боболаримизни ташвишга солган иллатлардан қайси бирлари ҳамон миллатимиз гарданида юк бўлиб юрибди?***

– Маърифатпарвар бобомиз Беҳбудий шундай ёзган: "Бизни қилатургон ақлсизлигимизни қайси миллат қилур? Никоҳ, хатна, бу икки бало шундоғ қаттиқ бир иллатки, ўлмагунча қутулуб бўлмайдур. Шаҳарларда ўртаҳол, яъни ўтурарға хона ва боғи бор бир киши никоҳ учун икки минг сўм сарф этар ва ўғул хатнаси учун ҳеч бўлмаганда минг сўм. Ҳар бир бенаво киши бу мавридларга 200 сўмдан 1000 сўмгача сарф этар. Бой ва зўраки бойлар эса беш минг, ўн минглаб сарф этар".

Бугун ҳам исрофгарлик билан ўтказилаётган тўй-ҳашам, ўткинчи орзу-ҳаваслар ва дабдабани жамиятимизни кемираётган иллатлар сирасига киритиш мумкин. Аслида халқимизга тўйхона эмас, катта-катта кутубхоналар ярашади.

Яна иллатларимиз сифатида таълим олишдан кўзланган мақсадларимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳалигача айрим ёшларнинг онгида "Бу ўқишга кирсам, эрта соққалироқ касб эгаси бўламан", "Обрўли ишда ишлайман" деган бирёқлама тушунча мавжуд. Аслида, илм олишдан мақсад жадидларимиз сингари юртнинг тараққиётига ҳисса қўшиш, ривожига хизмат қилиш эмасми?

Хуллас, бизни кемирувчи иллатлар талайгина. Хусусан, одамларимиз орасида ёлғончилик, тарбияда масъулиятсизлик, боқимандалик, миллий ўзлигимиздан йироқлашиш, бефарқлик, тарқоқлик каби миллатимизга ярашмайдиган иллатлар ҳам кўзга ташланади. Мана, масалан, бугун интернетда ўзгаларнинг фожиасини восита қилиб пул ишлаш, лайк тўплаш, обуначилар сонини ошириш урфга кириб бораётгани ҳам ачинарлидир.

***– Одатда маънавият катталарнинг шахсий намунаси, ўрнаги асосида ёшларга сингдирилади. Бугун қуруқ гаплардан амалий ҳаракатларга ўтиш вақти келмадимикин?***

– Албатта, тарбия – аввало амалда кўрсатилади, кейин англанади, сўнгра намоён бўлади. Қусурлар ҳам вақтлар ўтиб кўзга ташланади. Тарбия миллат келажаги, халқ эртаси экан, бу жараёнда ҳеч ким томошабин бўлмаслиги, ўқувчига дакки берган ўқитувчини дўппосламаслиги, у ташкилот яхши ишламаяпти, бу раҳбар сафсата сотяпти, дея "ақлмирзалик" қилавермасдан, биринчи галда ўзи виждонан ишлаши керак.

Тарбиявий ишларимиз самара бериши учун муҳит керак. Бу – занжирдек бир-бирига уланиб кетадиган жараён. Тарбия ишида бегона йўқ. Ҳаммамиз бунга масъулмиз. Тарбия ишида шошмашошарлик, ура-урачилик, тезда натижа кутиш нотўғри. Бу шундай узлуксиз жараёнки, ҳеч қачон тўхтамайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, тарбияда танаффус бўлмаслиги керак. Албатта, Республика Маънавият ва маърифат маркази бу жараёнда мувофиқлаштириб турувчи ташкилот сифатида амалий ҳаракатларни олиб бормоқда.

Камчиликсиз одам, ҳар томонлама мукаммал инсонни топиш имконсиз. Айниқса, Ойнинг доғини ҳам муҳокама қиладиган виртуал танқидчилик кучайган бугунги кунларда аниқ бир замондошимизни "миллий маънавиятимиз паспорти" сифатида тақдим этолмаймиз. Шу сабабли, оддий одамларнинг яхши амаллари, ён-веримизда яшаётган замондошларимизнинг қайсидир ибрат бўлгулик ишини ўрнак қилиб кўрсатиш кўпроқ натижа беради, деб ўйлайман. Дейлик, яқиндагина жазо колониясидан озод этилган собиқ маҳкумнинг ўз кўчасида ниҳол экиши, қайсидир қассобнинг ўзи ўқиган мактабдаги иситиш тизимини ҳомийлик асосида тузатиб бергани каби ҳолатлар тарғиб этилса, одамларга буюк аждодларимизнинг шонли ҳаёт йўлига бағишланган илмий маърузалардан кўра кўпроқ таъсир қилади, деб ўйлайман.

***– Сиз оилангиздаги маънавият масаласига қай йўсинда ёндашасиз, фарзанд тарбиясига-чи?***

– Оиладаги фарзанд тарбияси анъаналар асосига қурилиб, замон билан боғлангани маъқул. Бизнинг оиламизда ҳам бу борада анъаналар шаклланган. Бунда отамнинг ўрни катта. У киши фарзандларини ҳам қаттиққўллик, ҳам маърифат, ҳам шахсий намуна асосида тарбиялаган. Маошининг бир қисмини китоб сотиб олишга сарфларди. Фақат китоб олиб бериб, ўқи, демай ўзлари ўрнак бўлиб келган. Оиламизда ҳафтада бир марта китобхонлик куни ташкил қилинарди. Уйимизда отам кутубхона ҳам ташкил қилган.

Отамга бу фазилат бобо-момоларимиздан мерос. Ҳозирда бу мерос каминага ҳам ўтган. Фақат замонга, болаларим қизиқишига қараб, уларни турли хил усулда рағбатлантириб бораман. Ўқиган китоблари учун уларни рағбатлантираман. Агар китоб ҳақидаги хулосаларини ўзбек тилида чиройли ифодаласа, рағбат яна ошади. Шу асар ҳақида замонавий технологиялардан фойдаланиб тақдимот қилиб берса, янаям каттароқ рағбатга лойиқ бўлади. Кимдир болани пулга ўргатмаслик керак, дейди. Лекин болага пул топишни, уни сармояга айлантириш, ишлатиш кўникмаларини ҳам ёшликдан ўргатиб борган маъқул.

Оилавий музей, театр, кутубхоналарга бориб турамиз. Буни тарбия ҳақида гапирмасдан болаларни тарбиялашнинг энг яхши усулларидан, деб ҳисоблайман.

***– Маънавиятни болага боғчадан, мактабдан сингдиришимиз керак, деб кўп гапирамиз. Ботинимизда маънавиятни уйғотиш, шахс бўлиб шаклланишимиз, ўзликни қонимизга сингдириш учун нималар қилишимиз керак, деб ҳисоблайсиз?***

– Ботинимизда, қонимизда маърифат, маънавият юксак даражада бор. Бунга ўтмишимиздан кўп мисоллар келтириб ўтиш мумкин. Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Жалолиддин Мангуберди, Нодирабегим, Увайсийларни аллақачон жаҳон тан олган. Аждодларимиз илм-маънавият йўлидан юриб, дунё тарихида муносиб из қолдирди. Бизга маърифат, маънавият йўлини қолдирди. Ҳозир бу йўл бошида туриб, ўша йўлдан олдинга юрмаслик уларнинг меросига хиёнатдан ўзга нарса эмас. Бугунги таҳликали замонда қонимиздаги аждодларимиздан мерос бўлган жасорат, мардлик, ватанпарварлик, илмга интилиш хислатларини, маънавий фазилатларни тезроқ уйғотиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва шарт.

**И.МИРЗААЛИЕВ**
**суҳбатлашди.**

# БУРУНГИ ВА БУГУНГИ ЖУРНАЛИСТИКА

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги тарихий қарори имзоланганига шу йил 24 майда 6 йил тўлади. Буюк жадид бобомиз Абдулла Қодирий таъкидлаганидай, “мозийга қайтуб иш кўриш хайрликдир”. Биз ҳам сўзни қарор имзоланишининг тарихий омиллари, шу вақтда миллий журналистикамизнинг етилиб турган, кечиктириб бўлмас муаммолари, йиллар давомида ҳосил бўлган бўшлиқларни тўлдиришда “янги қон” бўлиб хизмат қиладиган университетнинг таянч устунлари, бурунги ва бугунги талабаларнинг журналистикага кириб келиш кайфияти ҳақидаги мулоҳазалардан бошлашни маъқул топдик.**



Бошидан ўтган табиб, деган халқ нақлига кўра яқин ўтмишга шахсий тажрибаларим призмасидан назар ташладим. Унда нималар акс этади? Республикамиз тарихида туб бурилиш ясалган 1991 йилда ТошДУнинг журналистика факультетига ўқишга кирдим. Ўшанда мустақилликнинг илк кунлари бўлиб, “қайта қуриш” даврининг алғов-далғовлари ҳали босилмаган замонлар эди. Зиддиятли даврда матбуотга жуда кўп эркинликлар берилганди. Буни ҳамма ҳар хил қабул қилди: митингбозлик бўлди, сўз эркинлиги баъзида бошбошдоқлик(анархия)ни келтириб чиқарди.

Ана шундай мураккаб шароитда ўқишга кирган биз ёшларнинг олдида қатор саволлар турарди. Мустабид Совет даврида матбуот қай аҳволга келиб қолди? Жадидларнинг матбуоти қандай бўлган эди? Мустақиллик шароитида қандай матбуот яратишимиз керак?..

Юқоридаги саволларга узил-кесил жавоб топилмасдан матбуотда консерватизм бошланди. ОАВ фаолиятида давлат аралашуви кучайди. 90-йилларнинг ўрталарига келиб жуда кескин цензурага гувоҳ бўлдик. Тақиқланган мавзулар... “Қора рўйхат”га тушган одамлар…

Ўзбекистон 2000 йилларда дунёда интернет кўрсаткичи бўйича паст давлатлар қаторида эди. Ўша йиллари бизнинг авлод вакилларини “Танлаган касбимдан қандай барака топаман?”, “Қандай қилиб ўз ишимни виждонан бажараман?” деган саволлар исканжага оланди. Энг оғриқли, айни вақтда бизни ҳаракатга ундовчи савол эса битта эди: ўзбек медиаси қандай бўлиши керак?

2016 йилда Ўзбекистон бўйлаб бошланган кенг ислоҳотлар ОАВни ҳам четлаб ўтмади. Ўзбекистон журналистикаси тарихида янги давр бошланди, сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Ана шу пайтда юқоридаги саволлар риторик даражага чиқди. Уларни медиаолам вакиллари, журналистлар, муҳаррирлар ҳал қила олмасди. Замон талаблари, дунёдаги таназзулли вазиятлардан келиб чиқиб Президентнинг ўзи тўғри вазифа қўйди.

2017 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу масалага узил-кесил тўхталди: “Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бу борада чинакам профессионал, замонавий журналистикани шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва таҳлилий интернет сайтларини молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш, бунинг учун алоҳида давлат фондини тузиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда юртимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир. Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг барчасига юқори малакали кадрлар керак. Афсуски, бундай кенг кўламли вазифани талаб даражасида ҳал этадиган таянч олий ўқув юрти мамлакатимизда мавжуд эмас. Шу муносабат билан Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман”.

Дарҳақиқат, Давлат Раҳбари таъкидлаган кадрларни тайёрлаш учун Ўзбекистонга йирик ўқув юрти, айнан, университет керак эди. Бу Президентимизнинг мурожаатида яққол жаранглади.

Шу ўринда эса яна бошқа саволлар вужудга кела бошлади: мустабид давр цензурасини, қайта қуриш анархиясини, истиқлолнинг илк йилларида берилган сўз эркинлигини нотўғри қабул қилиш ва унинг салбий оқибатларидан сўнг мустақиллик йилларида яна цензурага қайтишни кўрган авлод Янги Ўзбекистон учун қандай қилиб тизим яратамиз?

2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга мурожаати айнан устувор вазифаларни белгилаб берди. Янги Ўзбекистон ислоҳотларини ёритиб берадиган, йиллар давомида тўпланиб қолган сирларни очиб, дунёда бўлаётган жараёнларни таҳлил қиладиган, хоҳлаган амалдор билан хоҳлаган мавзуда суҳбат қурадиган давр келган эди.

Президентнинг давлат ташкилотлари халққа хизмат қилиши керак, деган ғоялари, Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши, Президент порталининг очилиши Ўзбекистонда мутлақо янги сиёсий муҳит яратди. Жараёнлар силсиласида халққа мана шу ислоҳотларни ёритиб берадиган медиага бўлган эҳтиёж яққол кўзга ташланди. Шундай вазиятда Ўзбекистонда блогосфера ривожланди. Kun.uz, Daryo.uz, Qalampir.uz каби ўнлаб веб-сайтлар, МТРК таркибидаги ва Sevimli, Zo‘rTV, Renessans, Mening yurtim, Milliy TV телеканаллари, юртимиз бўйлаб 30 дан ортиқ давлат ва нодавлат радиоканаллари, ўз нуқтаи назарига эга миллионлаб одамлар ўқийдиган медиалар пайдо бўлди. Уларга кадр керак эди. Бу кадрларни қаердан оламиз?! Афсуски, йилига 50-60 талабани қабул қиладиган журналистика факультетлари бу миссияни бажаролмасди.

Шунинг учун ҳам замонавий университетни ташкил этиш ғояси давр талаби бўлди. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилаётганда Тошкентнинг қоқ марказидан замонавий бино берилди. Давлат ва ҳомийлар маблағ ажратди. Замонавий кампуслар барпо этилди.

Босма ОАВ ва ноширлик иши, Халқаро ва аудио журналистика, Интернет журналистика ва медиаменежмент, Халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультети ташкил этилди. Бошида 119 нафар талаба қабул қилинган бўлса, бугун уларнинг сони 4000 тага етди.

Биз ўқиганимизда дипломга бор-йўғи битта ихтисослик ёзилар эди. Бугун эса 18 та йўналиш ёзилади. Университет тор доирада қолиб кетмаслиги учун алоҳида Халқаро муносабатлар йўналиши, Социология, Психология, Иқтисодий журналистика, Саёҳат журналистикаси, Санъат журналистикаси, Интернет журналистикаси, Спорт журналистикаси, Ҳарбий журналистика каби йигирмага яқин йўналишларни жорий қилдик.

Ўзбекистонда журналистика ҳам касб, ҳам илмдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда ЎзЖОКУ монополия эмас. Биздан ташқари яна 13 та олий таълим муассасаларида (ЎзМУ, Жаҳон тиллари университети, Вебстер, Central Asia ва бошқа) журналистлар тайёрланмоқда.

Давлат ва жамиятдаги бу ўзгаришлар, ОАВ, хусусан, матбуотдаги янгиланиш жадидлар даври матбуотини ёдга солди. Жадидлар матбуоти Ўзбекистон тарихида тун зулматини ёритган ҳилол бўлганди. 1906 йил 27 июнь куни “Тараққий” ташкил этилган, бундан ташқари “Ойина”, “Ал-Изоҳ” журналлари, “Хуршид”, “Осиё” каби газеталар чиқди. Лекин уларнинг умри қисқа экан. Жадидлар миллатимиз, ўзлигимиз, таълим қандай бўлиши кераклиги ҳақида жон куйдирарди. Улар 1938 йилда қатағонга учраганда “ойнинг қоронғи кунлари” бошланди.

Бугун бўлаётган ўзгаришларда жадидларимиз матбуотининг уйғонаётганини кўряпман. Бугун Ўзбекистонда 2 257 дан ортиқ медиа баҳслашмоқда, сиёсатчиларнинг гапини муҳокама қилмоқда, ҳеч қандай чекловлар йўқ.

Ғурурланадиган жиҳатимиз – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Туркий Давлатлар Ташкилоти Турк Университетлари Иттифоқига жуда қисқа муддатда аъзо бўлди. Бугунги кунда ЎзЖОКУни битирган талабалар Ўзбекистоннинг энг олди медиаларида самарали фаолиятини бошлади. 6 нафар Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, 4 нафар Ислом Каримов номли давлат стипендияси, 3 нафар Алишер Навоий номли давлат стипендияси совриндори етишиб чиқди. 12 нафар қизимиз Зулфия номидаги, 4 нафар йигитимиз “Мард ўғлон” давлат мукофотига сазовор бўлди.

Бугун университетда атоқли миллий педагог-мутахассислар билан бир қаторда хориждан Дас Кунду Ниведита, Алптекин Муса Явуз, Антонов-Овсеенко Антон Антонович, Петер Шоскей, Равипракаш Говиндрао Дани, Арриа Хоулдин келиб талабаларимизга дарс бермоқда.

Туркия ва Германия билан ҳамкорликда телерадио студия, фотолаборатория, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда Талабалар пресс-клуби ташкил этилди, коворкинг маркази очилди. Шунингдек, барча қулайликка эга талабалар турар жойи барпо этилди. Бундай муҳитни яратишдан мақсад ҳозирги сўз ва фикр эркинлиги, очиқлик ва ошкоралик даврида миллий медиамиз учун иқтидорли, соҳасини пухта эгаллаган, профессионал кадрларни тайёрлашдир. Ҳозир бизнинг вазифамиз яқин 10 йилда Марказий Осиёдаги йирик медиа университетга айланиш.

Бир пайтлар ЎзМУнинг 16 та факультети бўлар эди. Ўшанда 3 та гуруҳ бирлаштирилиб дарс ўтиларди. Биз ўқиган пайтда кафедралар алмисоқдан қолган, эски жиҳозлар билан тўлдирилганди. Бугун ЎзЖОКУнинг ҳамма қаватларини ҳисоблаганда 10 минг квадрат метрни ташкил этиб, маҳобатли 25 қаватли осмонўпар бинога айланди.

Университетда бугун 9 та тилда дарс берилади. Яқин орада қардош бўлган қўшни тилларда ҳам факультетлар ташкил қилмоқчимиз. Орзумиз Ўзбекистонда ўнлаб – корейс, араб, турк, испан тилида гаплаша оладиган юқори малакали, савияли журналист тайёрлашдир. Шунда бизнинг жадид боболаримизнинг истиқлол, сўз эркинлиги ва ренессанс тўғрисидаги ғоялари амалга ошгай.

**Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети ректори, профессор**

ЎТМИШДАН САДО

# ДОВЮРАК ВАЗИРИ АКБАР

***“...Мен шаҳарлик ҳунармандннинг ўғлиман – отам изидан бормоқчи эдим. Лекин худо менга ақл берган ва мадрасада менинг қобилиятим кўзга ташланди – руҳонийлик хизматига тайёрлана бошладим. Аммо бир ҳодиса тақдиримни бошқа йўлга солиб юборди. 13 яшар болалик вақтим қишлоқда тоғамнинг уйида меҳмон бўлиб турардим. Бир куни шу жойга солиқ йиғувчилар келди. Улар келиши билан шундай ҳодисалар бошландики, уларни сўзлаб бермоқ мумкин эмас. Шу вақтда мен бу даҳшатли солиқ йиғувни ўзгартириш учун қандай бўлса ҳам “катта амалдор” бўлишга қарор қилдим”.***

**“Туркестанский курьер” газетасининг 1911 йилги сонларидан бирида босилган мақоладан олинган ушбу иқтибос бир қарашда мустамлакачи тарафнинг матбуотида “хонликни бешафқат, оддий халқни эзишга асосланган тузум сифатида кўрсатиб, ўзларини юртга адолат олиб келганлар”дек таассурот уйғотаётганга ўхшайди. Агар бундай гапни хонлардан аламзада бирор киши айтса тушуниш мумкиндир, аммо ушбу сўзларни хонликнинг бош вазири айтмоқда. Хондан ҳайиқмай отаси хонлик қилган даврни кескин танқид қилмоқда. Бунинг учун инсон чиндан ҳам довюрак бўлмоғи керак.**




Ҳа, Хива хонлигидаги солиқ йиғув тизимини нафақат танқид қилган, балки уни ўзгартиришга аҳд этган инсон Исломхўжа эди. Қаҳрамонимиз 13 яшар ўсмирлик пайтида (1886 йил) чор Россиясига вассал хонлик тахтида Муҳаммад Раҳимхон соний муқим ўтирар, у қайнотаси бўлмиш Иброҳимхўжани бош вазирликка тайинлаган, асрлар мобайнида давом этиб келаётган иқтисодий устқурмаларни ислоҳ қилиш унинг хаёлига ҳам келмас, шу боис оддий халқ зулм исканжасида қолган эди.

Хонқалик хўжалар наслидан бўлмиш Иброҳимхўжанинг аждоду авлодлари хонликда таниқли инсонлар бўлиб, хонлар уларнинг қизларига уйланиш орқали ўзларига “саййид” рутбасини қўшиб олишга ҳавасманд эди. Чунки хон исмидан олдин “саййид” рутбаси қўлланиши пайғамбар наслига куёв эканини англатиш асносида мусулмон қавмини идора қилишида ҳам асқотарди.

Исломхўжа 19 ёшида хонликнинг энг йирик беклиги – Ҳазораспга ҳоким қилиб тайинланади. Хивадан ҳам қадимроқ тарихга эга бўлган бу қалъа ва унинг атрофида яшовчи турли уруғлар азалдан ҳунармандчилик билан донг таратишган эди. Тирикчилиги ҳунармандчилик ва зироат билан боғлиқ элда адолатни мўътадил ушлаб туришнинг ягона йўли солиқ тизимини тартибга солиш, қишлоқ оқсоқолларига ўз ҳадди-ҳуқуқини белгилаб бериш ва уларни қатъий назорат остида ушлашдан иборат бўлиб, ҳали йигирма ёшга кирмаган йигит бир йилдаёқ бунинг уддасидан чиқади ва қисқа муддатда ҳақиқий элбошига айланади. Отаси тўсатдан вафот этгач, Муҳаммад Раҳимхон соний Исломхўжани ҳеч иккиланмай бош вазирликка тайинлайди ва олдинги бош вазирлардан фарқли тарзда унга “Вазири акбар” унвонини беради.

Ёшлигидаёқ кўнглига солиқ тизимида адолат ўрнатишни қаттиқ туккан Исломхўжа орзуларини бир қадар амалга оширишга эришади, аммо Муҳаммад Раҳимхон соний даврида буни охиригача етказа олмайди. Бунга тахтда қирқ тўққиз йил ўтирган, салтанатни эски тамойиллар асосида бошқаришнинг ҳадисини олган хон изн бермайди.

Хон вафотидан сўнг тахтга Исфандиёр ўтириши билан Исломхўжа жиддий ислоҳотларга киришади. Исфандиёр Исломхўжанинг куёви эди. Тажрибасиз хоннинг қайнотасига қарши бормагани вазири акбарнинг бошламаларида қўл келади. Исломхўжа ислоҳотни, аввало, хонликдаги ерларни тўлиқ хатловдан ўтказишдан бошлайди. Натижада саройда ин қуриб олган амалдорларнинг солиққа тортилмаган минглаб таноб ерлари аниқланади, кўпчилигининг мол-мулки мусодара қилиниб, ўзлари зиндонга ташланади. Ана шу минглаб таноб ерларнинг солиққа тортилиши туфайли оддий халқ елкасидаги солиқ юки кескин камаяди. Бу ислоҳотлар халқ орасида Исломхўжанинг обрўсини бағоят оширади ва ўз навбатида, пана-пастқамдаги душманлари қўлига қурол ҳам тутқазади.

Юртимизда жадидлик тарихини тадқиқ қилган олимлар Исломхўжани ҳақли равишда юртга янгиланиш эпкинларини олиб кирган жадидлар қаторига қўшадилар (айрим олимлар уни “жадидларнинг сўл қаноти аъзоси” сифатида талқин қилишади).

Давлатда энг нуфузли – иккинчи даражали лавозим эгасининг жадидлик ҳаракатига қўшилиши, уларга моддий ва маънавий раҳнамолик қилишини ўша давр меъёрларига солиштирсак, тасаввур қилишимиз қийин. Аммо бу тарихий воқеа, тарихий ҳақиқат!

Исломхўжа беш марта чор Россияси пойтахти Петербургга борган, Николай иккинчи билан бир неча марта учрашган.

Россия марказий давлат архивининг 400-фонддаги 175-“иш”нинг 50–54-саҳифаларидаги маълумотга кўра, Исломхўжа Петербургдаги “Мусулмонлар хайрия жамғармаси”га бориб, у ерда Эрон ва Туркия давлатлари элчилари билан учрашган, кечқурун Маринин театрида улар шарафига зиёфат ҳам берган. Табиийки, Хива хони бош вазирининг мусулмон давлатлари элчилари билан тил топишгани чор маъмурларига ёқмаган. Хонлик босиб олинган вақтда тузилган Гандимиён шартномасида хонликнинг чет эллар билан мустақил алоқаси тақиқланган, бу иш чор ҳукумати томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган эди.

Туркистон генерал-губернаторининг 1913 йил 4 январда империя ҳарбий вазири Сухомлиновга йўллаган махфий хатида шундай сатрлар бор: “Хонликда 1910 йилгача ҳукм сурган осойишталикни сақлаб туриш, халқ ғалаёнларининг олдини олиш учун Исломхўжа фаолиятини жиловлаш чора-тадбирларини кўриш лозимга ўхшайди”. Ўша хатда генерал-губернатор Исломхўжани чет элга сургун қилишга рухсат сўраган, аммо ҳарбий вазир бу таклифни маъқулламаган.

Амударё бўлими томонидан 1912 йил 12 августда Тошкентга йўлланган ахборотда гап бош вазир уйидаги аҳвол ҳақида боради: “Вазири акбар Исломхўжа фарзандларининг муаллими, жадид Абдурашитовнинг фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. Афсуски, Абдурашитов ўқитувчиликдан ташқари Хива хонлиги ички ишларига ҳам аралашади. У Исломхўжанинг уйида яшаб, шу ерда яширин йиғилишлар ўтказиб туради. Бу йиғилишларда Абдурашитов раҳбар ва маслаҳатчи бўлади. Исломхўжа иштирок этадиган шундай йиғилишга тўпланган хиваликлар онггига хонликни Россия қарамоғидан озод қилиш ва тараққий эттириш ғоялари сингдирилмоқда”.

Бу каби кўплаб чақувлар беиз кетмайди. Натижада “Амударё бўлими 1913 йил ёзида Абдурашитов ва бошқа жадидларни Хивадан мажбуран чиқариб юборади” (“Туркестанский курьер” газетасининг 1913 йил 21 август кунги сонида бу ҳақда хабар чоп қилинган).

Хоразмдаги жадидлик ҳаракати фаолларидан бири, “Ёш хиваликлар” ҳаракати етакчиси Полвонниёз ҳожи Юсупов ўзининг хотиралар китобида Исфандиёр бошлиқ Хива амалдорларининг 1912 йил ёзида Петербургга ва Москвага қилган сафарлари, сўнг Қора денгиз бўйида дам олишларини қаламга оларкан, бир ҳолатни афсус билан қайд қилган. Муаллифнинг ёзишича, денгиз бўйида дам олиш вақтида хоннинг маҳрамлари ҳар куни унинг ётоғига шу ерда санғиб юрган турли миллат вакилалари бўлмиш енгилтак аёлларни келтириб туришган. Бу ҳам қайнота, ҳам бош вазир сифатида Исломхўжага маъқул келмаган ва у куёвига кўпчилик олдида дакки берган. Жаҳли чиққан Исфандиёр Исломхўжани шу ерда мажбуран қолдирган. “Исломхўжа барчамиз билан йиғлаб хайрлашди. У энди юртга қайта қадам боса олмайман, деган қайғуда эди”, деб ёзади муаллиф.

Исломхўжа куёви – хон буйруғига итоат қилмай, бир ойдан сўнг Хивага қайтиб келади. Орадан роппа-роса бир йил ўтгач, 1913 йил 9 августда кечқурун ифторлик қилиш учун уйига қайтаётган вақтида хон томонидан ёлланган қотиллар уни ваҳшийларча ўлдиради.

Исломхўжа том маънода бунёдкор амалдор эди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Хивада замонавий мактаб, шифохона, телеграф қурилган. У бунёд эттирган шифохона бир асрдан буён элга хизмат қилмоқда. У Москвадан келтирган тўртта йиғма темир кўприклар йирик сув ҳавзалари устига қурилган, иккитаси ҳалиям ишлаб турибди.

Исломхўжа бошқа ҳудудлар билан савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш учун “Чоржўй – Урганч” темир йўли лойиҳасини тайёрлатади, уни қуриш учун ҳомийлар топади. Бевақт рўй берган қотиллик бошланаётган ишга рахна солади. 1949-1952 йилларда воҳага тортилган темир йўл Исломхўжа тайёрлатган лойиҳанинг айни ўзидир.

У рус, араб, форс тилларини яхши билган. Империя шаҳарларида чоп қилинадиган вақтли нашрлар билан мунтазам танишиб борган. Жадидлик ҳаракатининг отаси Исмоил Ғаспрали хонликка келганида, у билан узоқ суҳбатлар қурган. Кейинчалик Ёш хиваликлар ҳаракатини тузган ёшларнинг аксарияти Исломхўжа тавсияси ҳамда ҳомийлигида Туркия ва бошқа чет давлатларда таҳсил олган.

Агар ўша мудҳиш қотиллик рўй бермаганида Исломхўжа, шубҳасиз, Хоразм Халқ Республикаси етакчиларидан бири сифатида юрт мустақиллиги учун жонини тикар ва... шўро қатағони қурбонига айланарди.

Кейинги вақтларда юртимизда Исломхўжанинг ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш кучайди. Бир қатор олимлар унинг ўз даврида амалга оширган хайрли ишларини атрофлича ўрганиб, халқимизга маълум қилишмоқда. Айниқса, бундан бир неча йил бурун киноижодкорларимиз томонидан суратга олинган “Исломхўжа” деб номланган кенг кўламли бадиий-публицистик ҳужжатли фильм томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Ўз даврида эл-юрт равнақи йўлида жонини ҳам аямаган бу фидойи инсоннинг эзгу ишлари бугун катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинмоқда.

**Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси**

САРЧАШМА

# СОҲИБҚИРОН ҲАҚИДА ЭНГ БИРИНЧИ КИТОБ

**Соҳибқирон Амир Темур ҳаётлик чоғида ёзилган китоблар кўп эмас. Расмий тарихда улар иккита ҳисобланади: биринчиси – Ғиёсуддин Али қаламига мансуб “Ҳиндистон юриши кундалиги”, иккинчиси – Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари. Лекин биринчисига қараганда иккинчиси ўқувчиларга аввалроқ ва кенгроқ маълум бўлган.**

“Ҳиндистон юриши кундалиги” ҳақида биринчи марта рус шарқшунос олими, академик В.В.Бартольд ўзининг 1902 йилда Туркистонга қилган илмий сафари ҳисоботида хабар беради. 1915 йилда Л.А.Зимин мазкур асарнинг танқидий матнини нашр эттирди, унга В.В.Бартольд муҳаррирлик қилди ва “Муҳаррир сўзбошиси” номли мақола бағишлади. 1958 йилда асар шарқшунос олим А.А.Семёнов томонидан рус тилига таржима этилиб, босиб чиқарилди.




Заҳматкаш олима, филология фанлари номзоди, доцент Раъно Қобулова Ғиёсуддин Али қаламига мансуб “Ҳиндистон юриши кундалиги” асарининг ўзбек тилига таржимаси устида узоқ йиллар меҳнат қилиб, сидқидилдан тер тўкди. Бугунги кунда ушбу нодир асар ўзбек халқининг мулкига айланмоқда. Бу, албатта, жуда қувончли ҳодисадир.

Шарқ муаллифлари табиатан камтарин бўлишган, асар ёзганида ўзлари ҳақида мумкин қадар ёзмаслик, эсламаслик, зоти хосларини зинҳор аралаштирмаслик, хокисорлик, иложи борича йироқроқдан туриб кузатиш йўлидан борадилар. Натижада кўпинча уларнинг таржимаи ҳоли бугунги кун ўқувчиси учун мавҳум бўлиб қолади. Бу ҳолни ўша даврларда яшаган барча муаллифларда, хусусан, биз қизиқаётган Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Йаздий, Ғиёсуддин Али, Фасиҳ Хавофий ва бошқа муаррихлар мисолида кўрамиз. Бу ҳол европалик тадқиқотчиларнинг баъзан нотўғри хулосалар чиқаришига олиб келади.

Амир Темурнинг 24 ёшгача бўлган даври ҳақида ҳеч қандай тарихий асар йўқ, маълумотлар ҳам кам. В.В.Бартольднинг фикрича, Темурбек ўзининг ёшлигига бағишланган китобларни ўқиб, барчаси афсона бўлиб кетибди, бунга ким ишонади, дея уларни ёқиб юборишни буюрган эмиш. Бироқ бу факт қаердан олингани ва қаерда юз бергани бизга номаълум.

Дарҳақиқат, расмий тарихда Амир Темур тарихи 1360 йилдан бошланади. Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Йаздий “Зафарнома”ларида шу ҳолни кўриш мумкин: Темурбекнинг ёшлик, болалик йиллари ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Лекин Шарафуддин Али Йаздий асарида бу ҳақда кўп эмас-ку, баъзи лавҳалар бор. Ҳатто, муаррих Фасиҳ Хавофий 1441-1442 йилларда ёзиб тугалланган, Турону Хуросоннинг юз эллик йиллик тарихи йилма-йил баён қилинган нодир хроникал асарида ҳам (худди ўзгалар билан келишиб олгандай), Амир Темурнинг болалик, ўсмирлик йиллари ҳақида, унинг 1336 йилда туғилгани борасида маълумот келтиради, аммо у ҳам Соҳибқироннинг дастлабки йигирма тўрт йиллик ҳаёти ҳақида лом-мим демайди. Илк марта фақат мўғул хони Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрга бостириб келиши, Кеш шаҳрининг бошқаруви ота-боболарининг жойи деб Амир Темурга топширилиши ҳақида ёзиб ўтади. Бу 1360 йилда юз берган эди...

Юқорида айтганимиздек, китобларга ишончи йўқолган Амир Темур, умуман, салтанат, ўзининг фаолияти ҳақида бирон китоб ёздиришни мутлақо истамаган кўринади. Салтанат тахтига ўтирганидан сўнг йигирма саккиз йил мобайнида бу ҳақда сўз бўлмади, биронта китоб ёзилгани маълум эмас. Чамаси, нуфузли аъёнлардан кимдир, балки пири муршид Мир Саййид Барака, деб тахмин қиламиз, ниҳоят Амир Темурни китоб ёздиришга ундаган бўлсалар эҳтимол, чунки тегишли гапни Соҳибқиронга фақат тегишли одамларгина айта олиши мумкин эди, ҳамма эмас.

Ҳиндистонга юриш арафаларида салтанат тарихи ҳақида китоб ёзиш, уни ким ёзиши, номзод ҳақида изланишлар бошланиб кетди. Кўп номзодлар бўлганига шубҳа йўқ, лекин Соҳибқироннинг назари Йазд шаҳрида яшайдиган тарихчи Ғиёсуддин Алига тушди. Номзоднинг салоҳияти ҳақида фикрга эга бўлиш учун унинг рисолалари сўралди. Шунинг учун Йазд шаҳрига келган “...олийҳазрат яқинлари ва содиқният чокарларидан бирининг ташрифига мушарраф бўлган вақтда, мазкур сатрларни битгувчи (яъни, Ғиёсуддин Али) бири араб, яна бири форс тилида ёзилган икки рисоласини...” (“Ҳиндистон юриши кундалиги”) уларга тақдим этди. Олий даргоҳда рисолалар ўқиб чиқилди... Муаррихнинг сўз қобилиятига эга, нуктадон эканига ишонч ҳосил қилинди. Шундан кейингина уни саройга чорладилар...”

Аслида Амир Темур китоб ва унинг таълиф этилишига жуда катта аҳамият билан қарарди, чунки ўзи ҳам машҳур “Тузуклар”ни иншо этган эди, китобнинг қадрига етарди. Шунинг учун бирор муаррихга китоб ёзишни топширар экан, унга жуда жўяли маслаҳатлар берарди. Соҳибқироннинг китоб ҳақидаги фикрлари улуғ донишманд файласуфларнинг қарашларини эслатарди. Бу ҳақда “Зафарнома” асарини битган Низомиддин Шомий бағоят аниқ баён қилган. Амир Темур ва Низомиддин Шомийнинг биринчи учрашуви 1393 йилда Бағдодда юз берган. Улар орадан саккиз йил ўтиб, 1401 йил Халаб шаҳрида иккинчи марта кўришдилар. Шу ўринда Шомийнинг асаридан ушбу ҳодисага бағишланган парчани келтирмасак, Соҳибқироннинг қарашлари тўлиқ акс этмай қолиши мумкин.

Ўша учрашув ҳақида Низомиддин Шомий шундай ёзади: “...тарбият ва бандапарварлик юзасидан олий ишорат содир бўлдиким, гарчи у зот қилган ишларининг бу абадиятга улангур давлатнинг бошланишидан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган тарихини Онҳазрат учун ёзган бўлсалар ҳам, (саройда турк, форс, араб муншийлари, котиблари кундалик воқеаларни мунтазам ёзиб борардилар – **М.А**.) аммо улар ҳали муносиб тарзда жамланиб, тақдим этилмаган экан; бу банда (Низомиддин) уларни йиғиб, ортиқча сўзлардан тозалаб, боб-боб қилиб тартиб беришга машғул бўлгаймен, лекин шу шарт биланки, такаллуфу безак бериш, лоф уриш зийнатидан ўзимни тийгаймен; асар услуби, сўз оройишию иборатоpолик санъатидан соф ва холи бўлғай. “Яна Соҳибқирон менга: **“Шу услубда ёзилган, ташбиҳ ва муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсадлар ўртада йўқолиб кетади, агар сўз қоида-қонунидан насибадор бўлганлардан биронтаси маънисини фаҳмлаб қолса қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз.** (Таъкид бизники – **М.А.)** Шу сабабли, унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди...”, дедилар. Мен банда ер ўпиб арз шарафига шундай етказдим: “...Олимлар мақбул сўз ҳақида шундай деганлар: “Яхши ва равон сўз улдир-




ким, авом халқ унинг маънисини англагай, хос кишилар эса унга айб қўймагай!” Амир Соҳибқирон ҳазрат: “Мен ана шундоқ сўзни хоҳлаймен!” деди...” (Низомиддин Шомий. “Зафарнома”. Т., 1996. 22-23-бетлар).

Соҳибқироннинг китоб ёзишдаги талаби шундоқ эди.

Мазкур воқеалардан бор-йўғи уч йил олдин Соҳибқирон Йазддан чақирилган муаррих Ғиёсуддин Алига ҳам шундай маслаҳат беради. Ғиёсуддин Алининг ўзи асар дебочасида бўлган воқеани шундай баён қилади: “...Мазкур сатрларни битгувчи (у камтарликдан “мен” демайди, учинчи шахс номидан сўз юритади – **М.А.**), бири араб, яна бири форс тилида ёзилган икки рисоласини олиб, ўша муборакназар қаршисига келди ва олий тахт поясига уларни қўйди... [Шундан сўнг] ҳукм бўлдики, [рисолалар муаллифи] тарих учун ҳазрати жаҳонкушой иштирокида содир бўлган




ҳарбларидан айримларини форсий дебочада баён этсин ва аввало алоҳида бўлимда ҳазрат ҳаётининг ибтидосида унга каромат қилинган ғалабаларнинг қисқача баёнини битсин. Сўнг эса Ҳиндустон ғазавоти рўзномасига киришиб, **сертакаллуфликдан йироқ ва идрок этмоққа осон иборалар ила айтилган воқеага оид муфассал жангномани** (таъкид бизники – **М.А.**) шарҳ этсин. Гарчи [муаллиф] аксар вақт диний илмлар [денгизи]га ғарқ бўлиб, китобият иншосига кам ҳавас қўйган бўлса-да, аммо олий амрни бажариш йўлида бу манзилни босиб ўтмоққа шуруъ қилди. Шаксиз, хотир носозлигию дил паришонлигини келтириб чиқармоққа лойиқ бу меҳнат хоқон ҳазратларининг чароғон дилларидан ёғилган нурларнинг унга бандалик иштиёқида таралган бир акс нуридир, холос...” (Ғиёсуддин Али. “Ҳиндистон юриши кундалиги”. Дебоча.)

Амир Темур сичқон йилида таваллуд топган эди, тарихчиларнинг ёзишича, бу йилда туғилган инсонлар табиатан ҳамма нарсага синчковлик билан қарар, салтанат ишларида ҳам, ҳаётда ҳам майда-чуйда нарсаларгача эътибордан қочирмас экан. Унинг салтанатида ўлжага тушган ғаниматлар, хазинага келадиган бойлик ё тилла буюмлар, анжом-аслаҳалар, совға-саломлар дафтарга туширилар ва Соҳибқиронга тақдим этиларди. Ҳукмдорнинг ўзи барчасини бир-бир назардан ўтказарди. Баъзан бундай дафтарларни кўриб чиқиш икки-уч кунгача давом этганини айтадилар.

Китоб ёздириш эса катта ҳодиса ҳисобланарди. Соҳибқирон, айниқса, бу ишга бефарқ эмасди. У муаллиф билан бўлажак китобда тилга олинадиган воқеалар, сўзлар, жойлар, жанглар ҳақида фикрлашар экан, ҳамиша воқеаларни “содда ва тушунарли тилда” ёзиш лозимлигини уқтирар эди. Ҳатто, камина Соҳибқирон томонидан ўзининг зафарли юришлари тарихини ёзиш учун Ғиёсуддин Али номига фармони олий чиқарилгани ҳақида ҳам эшитганман, аммо ҳозирча бундай фактга кўзим тушмади. “Зафарнома” номини ҳам Низомиддин Шомийга Соҳибқироннинг ўзлари тавсия қилган экан.

Академик В.В.Бартольд ўз ҳисоботида ва кейинчалик 1915 йилда ёзган “Муҳаррир сўзбошиси” мақоласида “Ҳиндистон юриши кундалиги” Амир Темурнинг биргина юриши тафсилотлари баён қилинган ягона асар эканини таъкидлаб, бу асар Амир Темур салтанатининг мукаммал тарихини яратишга бел боғлаган Низомиддин Шомийга шубҳасиз манба бўлиб хизмат қилган, деб уқтиради. Бартольд давом этади: “Вместе с другими подобными трудами труд нашего автора (т.е. Гияс ад-дина Али) несомненно был источником составителя полной истории Тимура, Низам ад-дина Шами, труд которого был переделан и дополнен в царствование Шахруха Шереф ад-дином Йезди”.

Бироқ ушбу фикр кишида бир неча эътирозлар туғдиради. Биринчидан, “другие подобные труды” дейилганда сарой муншийлари мунтазам ёзиб борган воқеалар назарда тутилмоқда. Афсуски, бу манбалар асл ҳолида бизгача етиб келмаган. Низомиддин Шомий таъбири билан айтганда, Соҳибқироннинг “...ҳозирги кунгача бўлган тарихини Онҳазрат учун ёзган бўлсалар ҳам, аммо ҳали муносиб тарзда жамланиб, тақдим этилмаган” воқеалар тасвири ҳар учала муаллифга ҳам ўз асарларини ёзишда материал сифатида хизмат қилгани аниқ. Мавзу ягона бўлгани боис айрим такрорлар юз бериши табиий ҳол.

Иккинчидан, Низомиддин Шомий ўз асарини ёзишда Ғиёсуддин Алининг асаридан манба сифатида фойдаланганида, буни, албатта, қайд этиши лозим эди. Учинчидан, Шарафуддин Али Йаздийнинг “Зафарнома”си Низомиддин Шомий “Зафарнома”сининг қайта ишланган (?) (“переделан”), тўлдирилган (?) (“дополнен”) нусхаси эмас! Учала китобнинг ҳар бири асл, оригинал асарлардир. Уларнинг барчаси турли йилларда, ўзгача услуб ва ёндашувлар асосида битилган мустақил жангномалардир.

Тўртинчидан, яна “Ҳиндистон юриши кундалиги”нинг Низомиддин Шомийга манба сифатида хизмат қилгани ҳақида тўхталамиз. Амир Темур 1398 йилда Ғиёсуддин Алини саройига таклиф қилиб, уни Ҳиндистон сафарига бирга олиб кетади. Чунки у китоб ёзиш учун муаллиф воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўриши, уларнинг тафсилотини кунма-кун ёзиб бориши зарур эди. Амир Темур одатда одамни ўз кўзи билан кўриб, суҳбатлашиб, ишонч ҳосил қилганидан кейингина унга бирон вазифани ишониб топширар эди. Мазкур сафар бир йил давом этади. Шу ўринда савол туғилади: Ғиёсуддин Али шу муддатда асарни ёзиб тугатганмиди ёки бунга қўшимча вақт талаб этилганмиди? Буниси бизга номаълум. В.В.Бартольд эса “Муҳаррир сўзбошиси” мақоласида “Ҳиндистон юриши кундалиги” 1402 йилда ёзиб битирилган, деб тахмин қилади.

Қиёс қилайлик. Амир Темур Низомиддин Шомий билан 1401 йилда Халабда учрашган... Агар муаррих ўша йилнинг ўзида “Зафарнома” иншосига киришган бўлса, Ғиёсуддин Алининг асари билан танишишга улгурганмиди? Умуман, у мазкур асардан хабардор бўлганми? Буёғи ҳам бизга қоронғи. Агар Шомий бундан хабар топганида, шак-шубҳасиз, “Зафарнома”да ўз салафининг ишларини ҳурмат билан эслаб ўтиши аниқ эди.

Масъулиятни чуқур ҳис қилган Ғиёсуддин Али қалами ўткир муаррихлардан эканини яққол кўрсатди. У ўз асарида Соҳибқирон сафарини тасвирлашда, воқеаларни ёритишда изчил бўлишга ҳаракат қилди. Амир Темур топшириғи бўйича муаррих фақатгина Ҳиндистон юришини эмас, балки унгача Турон салтанатида юз берган урушлар ва муҳим воқеаларни ҳам қаламга олиши лозим эди. Академик В.В.Бартольд мулоҳазаларига кўра, бу асардан Соҳибқироннинг кўнгли тўлмаган, гўё шундан кейин Низомиддин Шомийга янги асар ёзишни буюрган...

Бу гапда жон бордек. Аввало, муаллиф ўзи билмаган ҳолда бошқа жангларга нисбатан музаффарийлар билан бўлган жанглар тасвирига (Ғиёсиддин Али музаффарийлар ҳукмронлик қилган Йазд шаҳридан эди) кўпроқ ўрин бериб юборади... Бунинг устига, асар “содда ва тушунарли тил” билан ёзилмади, муаллифнинг ўзи айтганидай, **сертакаллуфликдан йироқ ва идрок этмоққа осон иборалар** ила битилмади, унда бўяб-бежашлар юз берди. Асардан муаллиф услубини кўрсатувчи икки мисол келтирамиз: **“Офтоб семурғи Кўҳи Қоф ортига беркинган ва куннинг кулранг лочини тун зулмати ошиёнида ниҳон бўлиб, туннинг шабранг зоғи чархнинг заррин тухмини (яъни қуёшни) ўз қанотлари остида яширгач...”** Яна: “Шанба (аслида жума) тонгида, ҳиндувий тун посбони турктоз хуршид қаршисида машриқ даричасини очган маҳал...”

Умуман олганда, Ғиёсуддин Алининг “Ҳиндистон юриши кундалиги” тарихий асари – Соҳибқирон салтанати ҳақида ёзилган **биринчи асар** эканлиги билан бизга қадрли ва эътиборлидир. Бошқача айтганда, бу – биринчи тажриба эди, бу мавзу ҳали очилмаган қўриқ бўлиб ётарди. Соҳибқирон ҳақида ёзилган бирон асар йўқ эди... Қандай ёзиш усуллари борлиги ҳали ёзгувчига ҳам, ўқигувчига ҳам маълум эмас эди ўша кезлар... Амир Темур Кўрагондек қудратли жаҳонгир, улуғ сиймо кўз ўнгида унинг шарафли фаолияти ҳақида қалам тебратиш, сўз айтиш учун киши, аввало, ўзига қатъий ишонган, ёрқин салоҳият, олмосдай зеҳн, журъат ва жасорат соҳиби бўлиши керак эди. Айтиш керакки, Ғиёсуддин Али ана шундай жасоратга, кучга эга эканини намойиш қила олди! Унинг “Ҳиндистон юриши кундалиги” асари таржимаси ўзбек темуршунослиги саҳифаларини безаб турадиган ноёб асарлардан бири бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**профессор**

ТАҚДИМОТ



# БОЛАЛАРНИНГ БОБО НАШРИ

**Болаларнинг севимли нашри “Тонг юлдузи” газетаси бу йил 95 ёшга тўлади. 1929 йил 1 августда Самарқанд шаҳрида “Ленин учқуни” номи билан чоп этилган мазкур газета 1992 йилга келиб “Тонг юлдузи” номи билан чиқа бошлаган. Бу мўйсафид нашр қарийб бир асрлик тарихга эга.**

**Пойтахтимиздаги Миллий кутубхонада “Тонг юлдузи” газетасининг 95 йиллиги муносабати билан чоп этилган “Тонг юлдузи” ёритган олам” номли китоб тақдимоти ва узоқ йиллар давомида газета таҳририятида фаолият юритган фотомухбир Равиль Альбековнинг ижодига бағишланган фотосуратлар кўргазмаси бўлиб ўтди.**

“Тонг юлдузи” ёритган олам” номли китобнинг мазмун-мундарижасини шу вақтга қадар газетада чоп этилган қизиқарли, сермулоҳаза мақолалар бойитган. Шунингдек, “Тонг юлдузи” таҳририяти мактабидан етишиб чиққан таниқли ёзувчи-шоирларнинг ўқувчилик чоғларидаги ёдномалари ҳам ўрин олган.

– Бугун тақдимоти ўтказилаётган китоб ўзбек матбуоти, адабиёти ва маданиятининг ўзига хос бир кўзгуси, энциклопедияси бўлибди, – деди Ўзбекистон Қаҳрамони, ёзувчи, таржимон Иброҳим Ғафуров. – Бу катта бир тарихий воқеа. Китобни қўлимга олганимда ўттизинчи йиллардан бошланган ўтмиш хаёлимда гавдаланди. Ўзбек зиёлиларининг бирортаси ўз ижодий фаолиятини бошлашда бу газетани четлаб ўтмаган. “Тонг юлдузи” газетаси Одил Ёқубов, Рамз Бобожон, Худойберди Тўхтабоев, Пўлат Мўмин, Қуддус Муҳаммадий каби таниқли ижодкорларнинг илк асарлари чоп этилиб, уларнинг танилишида ва севилишида катта хизмат қилган нашрлардан биридир. Ушбу китоб ҳам халқимизга узоқ йиллар давомида тарихий манба сифатида хизмат қилсин.




– Бугун том маънода ўзбек болалар матбуоти ва болалар адабиётининг байрами, десак муболаға бўлмайди, – деди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги директори Абдусаид Кўчимов. – Журналистлик фаолиятимни бошлашда бу газета мактаб вазифасини ўтаган. Мен бу касбнинг ҳақиқий заҳматларини шу ерда ҳис қилганман. Гўдак қалбли отахон газета ўзбек матбуотининг бош булоқларидан биридир.

Китоб тақдимоти билан бирга Равиль Альбековнинг қирқдан зиёд асарлари жамланган мўъжаз фотокўргазма ҳам меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Сўзга чиққанлар фотомухбир ҳақида кўплаб илиқ фикрлар билдиришди. Кўргазма ҳақида “Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири Феруза Одилова шундай деди:

– Равиль Альбеков нафақат “Тонг юлдузи”да, балки бутун болалар матбуотида ўзига хос ўрни бор фотомухбирлардан эди. Ижодкор шоир битта шеъри устида қанча тер тўкиб меҳнат қилса, Равиль Альбеков ҳам ҳар суратига катта бир асардек ёндашарди. Газета таҳририятида қирқ йилдан ортиқ фаолият юритгани, унинг ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатидан далолатдир. У болалар дунёсини ўз дунёси, деб билар ва хаёлан боладек яшар эди. Яқин кунларда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамкорлигида Равиль Альбековнинг шахсий фотокўргазмасини ташкил этиш режалаштирилган.

Тадбир сўнгида газетада узоқ йиллар меҳнат қилган муҳаррирлар, фаол муаллифлар, шу жумладан, ўқувчилар таҳририят томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА**

МУШОҲАДА

# ИНСОНИЯТ ТАҚДИРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ФАН

**Шубҳасиз, микробиология – инсониятнинг келажаги ва тақдири бевосита боғлиқ бўлган хос илм соҳаларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда юртимизда ушбу тармоқ ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти директори, академик Қаҳрамон Давронов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.**

***– Домла, суҳбатимиз аввалида Микробиология институтининг, микроорганизмлар тадқиқининг аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.***

– Ўтган асрнинг охирларигача умумий биология ва микробиология фанлари бир-биридан деярли ажралган ҳолда, мустақил равишда ривожланиб келган. Табиатда тарқалган микроорганизмлар эса жуда ҳам хилма-хил. Улар шароитга мослашувчан, ҳаттоки яшаб қолиш учун ўта заҳарли кимёвий пестицидлар билан озиқланиб, уларни парчалаш хусусиятига ҳам эга. Шунинг учун мутахассислар микроорганизмларни “дунёнинг санитарлари” деб аташади.

Институтимиз олимлари атроф-муҳитда кенг тарқалган, инсон фаолияти учун фойдали хусусиятга эга бўлган микроорганизмлар дунёсини, уларнинг тарқалиши, кўпайиши ва мослашувчанлигини ўрганиш орқали фойдали моддалар ажратиб олиш билан шуғулланади. Институтимиздаги тўққизта илмий лабораторияда микроорганизмларнинг кўплаб йўналишдаги хусусиятлари ўрганилади. Шу асосда турли хил препаратлар яратилади.

***– Микробиология фанининг ривожи иқтисодиёт, техника, тиббиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларнинг юксалишига ҳам беқиёс таъсир кўрсатиши маълум. Шу борада институтда қандай ишлар амалга оширилаяпти?***

– Биз ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини рағбатлантирувчи, тупроқ унумдорлигини оширувчи, турли хил чиқиндилардан гумус моддаларини синтез қилувчи микроорганизмларни кўпайтириш устида тадқиқотлар олиб бораяпмиз. Атмосфера таркибидаги молекуляр азотни ўсимлик учун қулай бўлган аммонийли шаклга айлантириб, азотфиксация қилувчи бактериялар асосида кўплаб микробиологик препаратлар яратганмиз. Уларни патентлаб, технологик регламентини яратиб, қишлоқ хўжалиги амалиётида фойдаланиш учун рухсатномага ҳам эга бўлдик. “Азо-Ўз”, “Ер малҳами”, “Бист”, “Субтин” препаратлари шулар жумласидан. Ўсимликларни турли касалликлардан ҳимоя қилувчи микроб препаратлари, масалан, кўсак қурти, илдиз чириши, барг сўлиши, вилт каби касалликларнинг олдини олувчи ва уларни даволаш хусусиятига эга бўлган воситалар: экобак, луч, фитобиосол, микроўстиргич ҳам яратилди. Препаратларимиз тупроқнинг pH ва унинг таркибидаги микробиом балансини меъёрга келтиради, тупроқ таркибидаги фосфор бирикмаларини ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган шаклга ўтказади. Бундан ташқари, тупроққа солинадиган минерал ва органик ўғитларни ўзлаштириш даражасини, унумдорлигини ошириб, экологик ҳолатини яхшилайди. Ўсимликларнинг илдиз чириши, алитерннариоз касалликлари билан касалланишини пасайтириш, уларнинг илдиз тизими, поясини яхшилаш ҳисобидан ҳосилдорликни 25-40 фоизгача оширади. Яна бир муҳим жиҳати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пишиб етилиш муддатини қисқартиради.

Шунингдек, институтимизда чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликда ишлатиладиган трихостин, пробиокорм каби ўнлаб препаратлар яратилган. Улар омухта-емни оқсил моддалари, аминокислоталар, ферментлар, углеводлар, витаминлар билан бойитади, ҳайвонлар соғлиғини барқарорлаштиради. Бу препаратлар турли касаллик қўзғатувчи бактерияларга қарши антимикроб фаоллик хусусиятига ҳам эга. Улар ҳайвонлар ва паррандаларда моддалар алмашинуви ва озуқа ҳазм бўлиши жараёнини яхшилайди. Ичак микробиомининг ривожланишини маромлаштиради, озуқа-ем сарфини пасайтиради ва чорва молларининг маҳсулдорлигини оширади.

Яна турли жойларда тарқалган пробиотик бактериялар фаолиятидан ҳайвон, балиқ, паррандалар учун озуқа тайёрлаш, силос бостириш, деҳқончилик амалиётида фойдаланиш учун ўнлаб препаратлар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тайёрлаб қўйилган.

Тупроқ шўрланиши замонамизнинг энг йирик муаммоларидан биридир. Орол денгизининг қуриши оқибатида мамлакатимизда тупроқ шўрланиши кучайгани сир эмас. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларида суғорма деҳқончилик қилинадиган майдонларнинг 96-100 фоизи турли даражада шўрланган. Бу жараён Жиззах, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда ҳам давом этмоқда. Бугун анъанавий шўр ювиш усули ўзини оқламай қўйди. Чунки минтақамизда сув танқислиги юқори. Бу олимларнинг олдига шўрланишга сабабчи бўлган тузлар билан озиқланиб, ўсимлик учун фойдали бўлган моддалар синтез қилиш хусусиятига эга бўлган микроорганизм турларини қидириб топиш ва улар асосида янги, рақобатбардош биопрепаратлар яратишдек долзарб масалани қўймоқда. Ҳозиргача 25 фоизли тузли эритмада ўсиб, ривожланиб, кўпаядиган микроб штаммлари топилган. Уларнинг ДНК таркибини ўрганиш бўйича тадқиқотлар йўлга қўйилган.

***– Айтинг-чи, институтда бевосита инсон саломатлиги билан боғлиқ қандай илмий изланишлар олиб борилаяпти?***

– Инсон микробиомини талқин қилиш орқали уни турли хасталиклардан сақлашга оид тадқиқотларни бу борада олиб борилаётган ўта қизиқарли ва келажаги порлоқ йўналишлардан бири, дейиш мумкин. Олимларимиз инсон ичагида яшовчи микроблар хусусиятини ўрганиш орқали улар асосида турли препаратлар яратиш билан ҳам шуғулланади. Ана шундай йўл билан яратилган дори-дармонлар бугунги кунда дорихона пештахталаридан жой олган. Масалан, ичак ярасига сабаб бўлувчи “Helicobacter pylori” деб аталувчи бактерия айни пайтда ҳам даволовчи, ҳам шу касалликнинг ўсишини тўхтатиб қўювчи восита сифатида ишлатилмоқда.



***– Сайёрамиздаги экологик хавф-хатарларни камайтириш учун олимлар таълимни “биологизация қилиш” заруратини таъкидлашмоқда. Нега айнан “биологизация”? “Экологизация” эмас?***

– Чунки экология организмлар фундаментал хоссаларининг ўзини эмас, балки бу хоссаларининг намоён бўлишини ўрганади. Биосиёсат, биоэтика, биоцентризм – янги фалсафий доктрина, биологик хилма-хилликни асраш ҳақида декларациянинг имзоланиши ва барқарор ривожланиш жамиятининг пайдо бўлгани ҳам бу ишларни амалга оширишнинг қанчалик зарурлигини кўрсатади.

Таълимнинг янги, устувор йўналишлари инсонлар, хусусан, сиёсатшунослар онгида шундай ўзгаришлар пайдо қилиши керакки, давлатлар билан табиат ўртасидаги муносабатга риоя қилиш энг катта бурчга айланиши лозим.

Ҳозирги вақтда биология – илм-фаннинг энг устувор йўналишига айланган. Бу соҳада яратилган янгиликлар шароитларни эмас, балки ҳаётий жараёнларнинг ўзини бошқариш имкониятини беради. Аммо ҳар бир жараёнда биология, кимё ва физика фанлари орасидаги ажралмас бирлик борлигини эсдан чиқармаслик керак.

Микробиология биологиянинг йирик бир тармоғи бўлишига қарамасдан, нафақат биология фан тармоқларига, балки физика ва кимёга ҳам қариндош бўлган мустақил фан ҳисобланади. Уни ўқитишни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, шубҳасиз, универсал билим олиш учун зарурдир.



***– Ҳавонинг ифлосланишига таъсир ўтказаётган, табиатга жиддий хавф туғдираётган пластик ва целлофан каби материалларни чиритувчи бактериялар ҳам фанга маълумми? Бу борада қандай изланишлар олиб борилаяпти?***

– Бутун дунё лабораторияларида тадқиқот олиб бориладиган энг қизиқ вазифалардан бири – пластикни парчалаш муаммосидир. Бу масаланинг ечимини топиш устида бизнинг олимларимиз ҳам изланишлар олиб бормоқда. Институтимизнинг молекуляр биология лабораториясида Илҳом Халилов бошчилигида экстремофиллар орасидан пластик парчаловчи микроорганизмларни ахтариш ҳамда шундай хусусиятга эга бўлганларини ген инженерияси йўли билан яратиш устида тизимли тадқиқотлар йўлга қўйилган. Айни дамда полиэтилинтерефталатни парчалаш хусусиятига эга бўлган бактерия яратилди. Аммо бу жараённинг тезлиги ҳозирча чет элликлар билан рақобат қила олмайди. Яқин келажакда бу ишни охирига етказамиз, деб ўйлайман.

***– Антибиотикларнинг фойдали жиҳатлари кўпчиликка маълум, улардан ноўрин фойдаланишнинг зарарлари ҳам сир эмас. “Антибиотик васвасаси”дан қандай қутулиш мумкин?***

– Ҳар бир инсон туғилганидан бошлаб биологик “ҳимоя қобиғи”, бактериялардан ташкил топган тўсиқлар билан ўраб олинади. Бу бактериялар бир-бири ҳамда тананинг иммунитети билан ўзаро мустаҳкам муносабатда бўлади. Шунинг учун ҳам “бегона”нинг кириб келишига йўл қўймайди. Одамнинг кунлик рационидан бактериялар ҳар куни 45 граммгача углеводларни қабул қилиб олади ва полисахарид, липид ҳамда 30 фоизгача ҳазм бўлмайдиган оқсил моддаларини ва организмда тўпланадиган бутун мочевинанинг 25 фоизини парчалаб туради.

Тиббиётда қўлланилаётган антибиотиклар бемор танасини “ёмон” бактериялардан халос қилиш баробарида бир қатор фойдали бактерияларни ҳам нобуд қилади. Оқибатда табиий ҳимоя тўсиғида “туйнуклар” пайдо бўлади ва шу орқали инсон танасига ҳар хил патоген бактериялар ҳам бемалол кириб келади...

Ҳозирда вирулент бактерияларнинг табиий душмани бўлган пробиотикларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай изланишлар бир-бирига қарама-қарши бўлган бактериялардан бир вақтда фойдаланишни йўлга қўйишга қаратилган тадқиқотларнинг бошланғич босқичидир.

Ҳозирги вақтда эски нишонга таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган самаралироқ антибиотиклар ишлаб чиқариш устида ҳам иш олиб борилмоқда. Бир вақтнинг ўзида янги мақсадлар – бактерия ҳужайраларининг бўлинишини ҳамда ёғ кислоталар биосинтезини бузиш, метаболизм ферментларини ингибирлашни ўз ичига олади. Аммо бактериялар шундай ҳолларда ҳам тирик қолиб, агрессив шароитга мослашиб бормоқда. Бугун ушбу масала дунё олимларининг ҳамкорлигида, зудлик билан ечилиши лозим бўлган глобал муаммолардан бири сифатида қабул қилинган.

***– Илмий адабиётларда учрайдиган “вирулент бактерияларни одамларнинг ўзлари яратади” деган фикр қанчалик асосли?***

– Шунинг учун ҳам бактериялар ва фармацевтлар орасида кураш давом этиб келмоқда. Олимлар антибиотиклар ёрдамида хавфли бактерияларнинг янги штаммларини “яратадилар” ва кейин ўзлари уларга қарши кураш эълон қиладилар. Бундай кенг қамровли селекцияда, айниқса, антибиотиклар арзон, рецептсиз сотиб олиш мумкин бўлган мамлакатлар ёрдам беради. Бундай давлатларда шифокорлар даволашнинг бутун циклини тўғри бажараётганини кузатишнинг имконияти йўқ. Айниқса, антибиотик етарли дозада қабул қилинмаслиги оқибатида организмда тирик қолган касал қўзғатувчи бактерия популяцияси паст дозадаги антибиотикка мослашиш учун жуда яхши имконият топади ва кейинги касалланишда нисбатан каттароқ ҳимоя воситасига эга бўлади. Оқибатда олдин даволаш учун ишлатилган антибиотик беморга таъсир кўрсата олмайди. Шунда бошқасига, кейинчалик янаям кучлироқ антибиотикка ўтилади ва ҳоказо. Айнан шунинг учун ҳам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти: “Агар антибиотиклар билан шу тартибда “даволаш” давом этаверса, яқин орада инсоният жаҳон уруши ҳолатига тушиб, яратилган мутант бактерияларга қарши қуролсиз, ожиз бўлиб қолади”, деб огоҳлантирди.

Бугунги куннинг энг хавфли бактерияларидан бири олтин стафилакокки (staphylococcus aureus) ҳисобланади. Чунки бу бактерияларга қарши таъсир этувчи антибиотикларга чидамли бўлган штамм пайдо бўлган ва унга MRSA (methicillin-resistant Staphylococcus aureus) деб ном қўйилган. Буюк Британиядаги Лондон университети коллежи юқумли касалликлар маркази микробиологи Марк Шпигельманнинг фикрича, гигиенага ҳаддан ортиқ берилиш одамларга зарар келтирмайдиган бактерияларнинг йўқолишига олиб келади ва MRSA учун жой очиб беради. Қолаверса, бу ҳол антибиотикларга чидамли бўлган штаммларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлиб, бактерияларда одатда ишламайдиган ҳимоя механизмларининг фаоллашувига олиб келади. Табиийки, операция хонаси стерилланган бўлиши, жарроҳ қўлини антибактериал совун билан ювиши керак. Аммо кейинги маълумотлар барчани – чақалоқ парвариш қилаётган оналардан тортиб, шифокорларгача гигиена борасидаги қарашини қайта кўриб чиқишини талаб қилмоқда.

***– Инсон организмидаги бактериялар адади ҳужайраларга нисбатан кўпроқ бўлиб, микроорганизмларнинг миқдори кишининг қиёфаси ва ҳатто хулқ-атворига ҳам таъсир қиларкан. Инсон танасида патоген ва фойдали микроблар мувозанатини назорат қилишда қандай технологиялар ишлаб чиқилмоқда?***

– ЖССТ ҳар йили инсоният саломатлиги учун аҳамиятли бўлган муаммони танлаб олиб, унинг ечимини топишга қаратилган халқаро чақириқ билан мурожаат қилади. Ташкилотнинг касал қўзғатувчи микробларга қарши ишлатиладиган препаратларнинг барқарорлигини сақлаб қолиш бўйича Глобал стратегияси чоп этилганига йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтди. Аммо бу муаммо ҳозиргача ўз ечимини топгани йўқ.

Микробиологиянинг ривожланиши олимлар бактериялар дунёсининг инсон ҳаётидаги ролини аниқлаш устида кўпроқ бош қотиришлари зарурлигини тақозо қилди. Бу муаммо кўтарилганига бир асрдан кўпроқ вақт ўтди ва шу фурсат ичида бактериялarsиз яшаш мумкин эмаслиги аниқ бўлди. Бугунги кунда антибиотиклар билан даволангандан кейин истеъмол қилиниши керак бўлган “Бифидо ва лактобактериялар” ва пробиотик хапдориларнинг турли хиллари ихтиро қилинган ва кенг ишлатиб келинмоқда. Аммо шу билан бир қаторда, бутунлай хавфсиз бактерияларнинг ўзи йўқлиги ҳам маълум бўлиб қолди.

Бактериялар – ҳалқага ўралган генетик материални ўзида сақлайдиган ҳужайралар (циркуляр шаклдаги икки спиралли ДНК) дир. Одамни эса бактерияларга озуқа етказиб берувчи, уларни керакли намлик ва ҳарорат билан таъминлаб турувчи “инкубатор”га қиёслаш мумкин. Бундай “ғамхўрлик”ка жавобан бактериялар инсонни турли патоген ва токсинлардан ҳимоя қилади, овқат ҳазм бўлишига ва иммунитетни фаол ушлаб туришга ёрдам беради. Агар мана шу мувозанат ўзгарадиган бўлса, микробиоценознинг баъзи вакиллари ўзларининг хосса ва хусусиятларини ўзгартириб, вирулент тус оладилар, яъни инфекция ташувчи, зиён келтирувчига айланиб қолади.

Инсон вужудида бактерияларнинг юзлаб турлари яшайди. Энг қизиғи, уларнинг тўплами ҳар бир одам учун ноёб ва ўзига хос бўлади. Ҳатто бактерияларнинг ҳар хил турларининг учраши ва уларнинг миқдори ҳам ҳар бир инсон учун индивидуал бўлиб, бу кўрсаткичлар генотип билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Микробиомнинг индивидуаллиги, инсоннинг туғма иммунитет тизими билан белгиланиши ҳақидаги илмий маълумотлар ҳам жуда катта қизиқиш уйғотади. Чунки организм ўзининг шахсий микробиомига нисбатан реакция бермаслиги аниқ.

***– Дунёда молекуляр усуллар ва биоинформатика кўмагида жуда катта ишлар амалга оширилгани маълум. Айтинг-чи, биоинформатика йўналиши анъанавий микробиологиянинг ўрнини бутунлай боса оладими? Биоинформатиканинг бугунги аҳамияти, юртимиздаги ривожи қандай?***

– Ҳақиқатан ҳам, кейинги вақтларда молекуляр усуллар ва биоинформатика уйғунлиги асосида микроорганизмлар хилма-хиллиги борасида жуда катта инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди. Биоинформатиклар хонадан чиқмасдан, компьютер қаршисида ўтириб деярли ҳамма ишларни қилишлари мумкин: улар янги геном кетма-кетлигини топиш, микроорганизмлар хусусиятларини аниқлаш, ҳаттоки мана шу виртуал микробнинг номини қўйиш имкониятларига ҳам эга.

Яъни, моҳияти бўйича янги гуруҳ микроблар, баъзида энг юқори даражада – тартиб, синф, филумлари аниқланган, аммо бу микробларни ҳеч қачон, ҳеч ким кўрмайди. Мана шу ишларнинг ҳаммаси икки ойда бажарилиши мумкин. Аммо классик усуллар ёрдамида микробни ажратиш, унинг таъриф-тавсифини ишлаб чиқиш учун камида икки-уч, баъзида беш йилгача машаққатли меҳнат қилиш керак бўлади.

Микробиологик тадқиқотлар – етарли даражада кўп меҳнат талаб қиладиган иш. Озуқа муҳитини тайёрлаш, унинг таркибини оптималлаштириш зарур. Баъзида микроорганизм номаълум сабабларга кўра ўсишдан тўхтайди. Оқибатда дастлаб муваффақиятли бошланган ишлар охирида натижасиз тугалланади. Бунинг устига, экологик нуқтаи назардан энг муҳим бўлган микроблар жуда секин ўсади.

Янги микробларни тўғридан-тўғри қидириш, ажратиш ва ўрганишдан ташқари, уни иккита халқаро коллекцияда рўйхатдан ўтказиш ва узоқ вақт сақлаш учун юбориш керак. Шу ишлар бажарилмаса, янги топилган микробнинг номи расмий тан олинган микроорганизмларнинг умумий рўйхатига киритилмайди.

Масала шундаки, биоинформатиклар янги микробга “исм” ва “насаб” – тур ва туркум беришади, кейин унга Candidatus (номзод) деган сўзни қўшиб қўйишади. Бу жуда чалкашликка олиб келади, чунки микробиологлар лабораторияда олган, уларнинг геномини ўрганиб, тоза культура сифатида ажратиб олмаган культураси ҳам худди шундай номланади. Аслида бунга турлича қараса бўлади, чунки микробиологлар ажратган культурани кўз билан кўриш, хусусиятларини ўрганиш мумкин. Ҳеч ким ҳеч қачон кўрмаган, информатиклар томонидан номланган “культура” – бу хаёлий (фантом). Мана шулар информатиклар ва микробиологлар орасида қарама-қаршиликлар пайдо бўлишига олиб келади. Микробиологлар жараён назоратдан чиқиб бораётганини тушуниб етди.

Яқинда дунё ҳамжамияти иштирокида “Candidatus”ни “одатдаги” микроблар қаторида қабул қилиш керакми, деган саволга жавоб топиш мақсадида мутахассислар орасида овоз бериш жараёни ўтказилди. Овоз бериш миллий микробиология жамияти орқали ўтказилди ва натижада “Candidatus”-ни тўлақонли микроб сифатида қабул қилмаслик керак, деган хулосага келинди.

***– Юртимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнлари, халқаро алоқалар, дунё тажрибасини ўзлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.***

– Микробиология институтида давлат дастурлари доирасида кўплаб илмий лойиҳалар бажарилмоқда. Уларнинг айримлари халқаро миқёсда чет эллик ҳамкорларимиз билан бирга амалга ошириляпти. Ҳозиргача институтимизда Россия, Хитой, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Венгрия, Германия каби кўплаб давлатларнинг илмий марказлари олимлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликлар йўлга қўйилган. Бу, албатта, амалдаги фундаментал, амалий, инновацион ва бошқа лойиҳаларнинг ижобий натижалари асосида ходимларимизни турли илмий амалиётларга юборишда, намунали дарсликлар, ўқув қўлланмалари, нуфузли журналларда илмий мақолалар чоп этишда, илмий ишланмалар учун гувоҳномалар ва патентларни ҳимоя қилишда, турли ўқув семинарлари ташкил этишда қўл келмоқда.

Микробиология институти олимларининг қишлоқ хўжалиги экинларини турли касалликлардан самарали ҳимоя қилиш ва ҳосилдорлигини ошириш воситаси сифатида яратилган экологик хавфсиз “Microzyme” биопрепарати тожикистонлик мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди ва “Фарнисо Тожикистон” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида уларга мазкур биопрепаратдан 4230 литр ҳажмда етказиб берилди.

Микробиология соҳасида бажарилаётган илмий тадқиқот ишлари ва олинаётган муҳим натижалар мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида мавқеини мустаҳкамлашда, институтнинг ўз соҳаси бўйича минтақавий етакчилик ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айниқса, кейинги вақтларда мамлакатимизда микроорганизмлар биологик хилма-хиллиги ва ундан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берадиган бир қатор қонунлар, Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилингани ҳамда халқаро конвенциялар ратификация қилингани ушбу соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

***– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, домла. Сермашаққат ва шарафли изланишларингизда муваффақият тилаймиз.***

**Муяссар ИБРОҲИМОВА**
**суҳбатлашди.**

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

# ФИТРАТ – ФИДОЙИ ТИЛШУНОС

**Элни эркка элтмоқни, юртнинг ёруғ йўлини очмоқни ўзларининг азиз умрларига абадул-охир бадал деб билган жадид боболаримиз машаққатли ва мунтазам фаолияти давомида маърифатни, маънавиятни ва маданиятни мададкор қудрат, қиёссиз қурол деб ҳисобладилар. Шунинг учун ҳам улар алифбо, ёзув, имло ва умуман, тил масалаларига фавқулодда эътибор билан қарадилар. Зотан, ўлкамизда ўтган асрнинг бошларида мазкур масалалар ечимисиз маърифат билан ошно бўлмоқлик, лоақал дунёга мактаб-маърифат кўзи ила боқа билмоқлик мушкул иш эканлиги равшан эди. Табиийки, мактаб-маориф ишларининг самарадорлиги учун ҳам тил борасидаги ҳар хилликларга барҳам бериш, тилнинг қоидаларини юзага келтириш ва уларни таълимга олиб кириш каби бир қанча муҳим юмушлар мавжуд эди.**



Бундай заруриятни жадидлар жадал бир тарзда англаб етдилар, ўзбек тилининг ривожи учун улкан ишларни амалга оширдилар. Шу асосда ўзбек тилшунослиги шакллана бошлади. Бу тилшуносликнинг тадрижига хизмат қилган бир қатор жадид олимларининг тилшунослик мероси ўзбек тили илмида анчайин кенг ўрганилган, Абдурауф Фитратнинг тилшунослик меросини жуда батафсил тадқиқ этган профессор М.Қурбонова қайд қилганидай, “ҳозирги ўзбек тилшунослиги фани асримизнинг 20-йилларида вужудга келган бўлиб, унга Абдурауф Фитрат ва унинг замондошлари Элбек, Мунаввар қори, Қаюм Рамазон, Ғози Олим, Ш.Зуннунлар тамал тошини қўйган эди. Улар томонидан ёзиб қолдирилган ноёб асарлар ҳозирги тилшунослигимизнинг сарчашмаларидир”.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Фитрат ўз давридаги асосий диққат-эътиборда бўлган барча лисоний муаммоларнинг муҳокамаларида ўзининг аниқ, илмий асосли ва очиқ фикр-мулоҳазалари билан иштирок этган, замоннинг кун тартибида чирсиллаб турган тил ва тил билан боғлиқ масалалар бўйича залворли фикрларини баён этган, кўплаб мақола ва рисолаларини эълон қилган. Фитрат у ёки бу мунозарачи билан тил борасида баҳсга киришар экан, тил илмининг зукко билимдони сифатида инкор этиб бўлмайдиган холис илмий далиллар билан ўз фикрларини асослайди. Ўз давридаги аксар зиёлилар томонидан турли шаклларда баён қилинган “тилимизни араб-форс унсурларидан тозалашнинг имконсизлиги” борасидаги жуда кескин даъволарнинг замини бўш эканлигини кўрсатиб беради. Масалан, Фитрат 1919 йилдаги “Тилимиз” номли мақоласида эътирозчиларнинг “туркча араб, форс тилларидан қутулолмас, чунки, тилимизда кўп нарсанинг оти йўқдир” қабилидаги иддаоларига шундай жавоб қилади: “Жавобимиз: бу сўздан тилагингиз нимадир? Шул чоқда тилингиздаги араб, форс сўзларининг туркчаси топилмайдур демоқчи бўлсангиз, сўзингиз янглишдир. Туркчани билмас экансиз. Ўрганинг. Ҳозирги сўзларимиздаги арабча, форсчалардан бир нечаси учун туркча топилмайдир, десангиз тўғридир. Биз ҳам уларни чиқармоқчи эмасмиз. Унларни олурмиз, лекин ўзимизники қилурмиз. Туркчалаштирурмиз. Қоиданинг туркчаси йўқдур. Сарфнингда туркчасини тополмадик. Иккисин даҳи олурмиз. Лекин, сиз каби қавоиди сарфия демасдан, сарф қоидалари дермиз. Чунки илмий истилоҳларнинг туркчаси йўқдир. Ким деди буни? Шамснинг туркчаси қуёшдир. Кавокибнинг туркчаси юлдузлардир. Манорнинг туркчаси олов, ўтдир. Саҳоби мунаввар – ёруғ булут, ҳандаса – ўлчов хат чизиқ, зовия – бурчак, пучмоқдир. Кавокиби собита – турғучи юлдуздир. Кавокиби зу занб – қуйруқли юлдуздир”.

Фитрат мазкур мақоладаги фикрларини нотўғри талқин қила бошлаган айрим “тилшунос”ларга айни сарлавҳали бошқа мақола билан жавоб берган, мақсадининг мағзу моҳиятини икки карра икки тўртдай аниқ баён қилган. Унинг ушбу сўзларидаги бир қадар оғриғу ўкинчни илғамаслик мумкин эмас: “Мен турк улусиға ўз бошли (мустақил) бир тил ва шу тилда ёзилган “илм” истайман. Туркчанинг бойлиғи, кенглиги ва тўлғунлиғини билганим учун бу ишни қулай деб ишонаман. Тилимизнинг ўз бойлиги (мустақил) бўлиб туруши учун гапларга ва ёзувларимиз аро кириб қолған ёт сўзларнинг ўзбекчаларини илкимиздан келганча охтариб топиб ишлай(л)ик. Тилимиздағи ёзилған “билим”ни кўрмак учун “илмий истилоҳлар” дедигимиз “билим сўзлари”нинг ҳам илкимиздан келганча туркчаларини топиб олмоқ йўлинда тиришмакни ҳар бир турк ёзувчиси учун “вожиб” деб биламан. Туркчаси топилмаган сўзлар ва истилоҳлар бор эса, уларни чиқариб ташлаб, ўрунларини бўш қўяйлиқ демайман. Туркчаси топилмаған сўзлар ва истилоҳлар қолсун, бироқ туркчанинг буйруғи остинда кириб қолсун; бошқача турли айтканда, Франса (Франция)да яшаған бир турк каби бўлундиғи туркчанинг қонунлариға бўйунсуниб яшасун; туркчада турған бир француздек “капитулацион” асрори остида турмасун”. Унинг бу ва бошқа қайдлари билан танишганда, олим забардаст тилшунос сифатида ўзбек тилининг софлиги ва ривожи учун нечоғлик мунтазам қайғурганлигига, мазкур масалага чинакам илмий мантиқ ва теран ҳассосият билан ёндашганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳақиқий издоши ва шогирди, маърифатчи Ҳожи Муин 1918 йилнинг 20 августида “Меҳнаткашлар товуши” газетасида босилган “Тил масаласи” номли мақоласида кўнглида бир оғриқ билан қуйидаги гапларни айтган: “Биз туркча қоидаларни билмаганлари учун ҳозирги мирзо ва таржимон биродарларимизни айблай олмаймиз, алар бу тўғрида маъзурдирлар. Чунки алар ва бизларнинг ҳеч қайсимиз мунтазам мактабларда ўқуб чиқмағон. Тил қоидаларининг таълими мунтазам мактабларда бўладирки, мундай мактаблар ҳануз Туркистонимизда очилғон эмас. Ҳозиргача давом этиб келган янги мактабларимизда бўлса, туркий тилимизнинг сарф ва наҳви ўқутула бошлағони йўқ. Бизнинг туркий тилимиз ишланмағон бир тил бўлиб, мунинг сарф ва наҳвиға оид ҳануз бирор турли рисола босилиб чиқғон эмас. Бизнинг муаллим афандиларимиз тил қоидаларини яхши билмайдирларки, ушбу кунгача баъзилари тарафиндан ёзилғон мактаб китобларидан маълумдир”. Бу гаплардан очиқ кўриниб турибдики, даврнинг аксарият маърифатпарварлари чинакам миллий тил асосларига таянган грамматикага бўлган эҳтиёжни чуқур англаб етганлар ва шунинг учун ҳам шундай грамматика яратиш заруриятини кун тартибига қўйганлар. М.Қурбонова алоҳида таъкидлаганидек, “А.Фитратнинг ўзбек тилшунослиги тарихида энг катта хизматларидан яна бири унинг ўзбек тили миллий грамматикасига асос солганлигидир. 20-йилларда ўзбек тилига доир асарлар жуда озчиликни ташкил қилар эди. Ўша вақтда мактабларда она тили сифатида усмонли турк тили ўргатила бошлаган ва тилимиз грамматикаси ҳам ўша тил грамматикаси таъсирида қолган эди. Ана шундай шароитда А.Фитрат тилимизнинг ўз табиатидан, ўзига хос қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда миллий грамматика яратди”.

Маълумки, Фитратнинг бу миллий грамматикаси “Ўзбек тили қоидалари тўғрусида бир тажриба” деб номланган бўлиб, унинг биринчи китоби, яъни “Сарф” 1924-1930 йилларда олти марта, иккинчи китоби, яъни “Наҳв” шу йилларда беш марта қайта нашр қилинган.

Фитрат 1921 йил Тил ва имло қурултойида сўзлаган нутқида “Чиғатой гурунги” атрофида тўпланган кишиларнинг илгари сурган тил билан боғлиқ фикрларини умумлаштирар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “Тилимизнинг адабийлиги арабийликда эмас, ўзидадир, шуни тиргизмак керак... Тилимизнинг қоидаларини тоторча ёхуд усмонлича қоида китобларидан эмас, тилимизнинг ўзидан олмоқ керак. Шунинг учун халқ оғзида юрган сўзларни, халқ адабиёти бўлған эртаклар, мақоллар, лапарларни йиғиб текширмак керак. Адабиёт ёзу(в)чилиқ бўлғани учун ёзу(в) қоидаларини, имлони тузатмак керак”.

Чинакам маърифатпарвар бобомиз Фитрат ўзининг “Ўзбек тили қоидалари тўғрусида бир тажриба” асарининг биринчи китоби бўлмиш “Сарф”нинг муқаддимаси сифатидаги “Бир-ики сўз”ида таассуф билан: “Бутун турк дунёси учун “бир ялпи тил” қабул этмак хаёллари билан овора бўлдиқ. Тилимизни шунга тўғри юрғузмоқ учун унумсиз тиришдик. Бу хаёлларнинг ишка ошмағонин билгандан кейин ўз тилимизни, ўз имломизни тушуна бошладиқ... Бироқ ҳануз тилимизнинг белгили қоидаларини майдонға қўя олмадиқ”, деган гапларни айтади. Фитрат муқаддиманинг сўнгида “бу улуғ бинонинг, бу адабиёт мадрасасининг биринчи тошини тезлик билан қўймоқ лозим” деган фикрларни кўнглидан ўтказиб, ғоят камтарона бир оҳангда муқаддимани якунлайди: “Мен тил қоидалари тўғрусида қўлда бўлган нарсаларни тузиб, териб шу биликчани чиқардим. У бир сабоқ битиги эмас, мутолаа китобидир. Тилимиз тўғрусида тугал бир нарса эмас, бошланғичдир; таълиф (ижод қилинган) эмас, тажрибадир. Буни сараламоқ, тузатмак, кенгайтмак юмишлари йигит кучларимизнинг жонли тебранишларини кутадир”.

Таъкидлаш жоизки, Фитратнинг “Сарф” китобида ҳозирги тилшунослигимизда турғунлашган морфологик тушунча ва қоидаларнинг аксарияти ўз ифодасини топган, баъзилари эса деярли яқин ёки ўхшаш талқинларига эгалиги билан диққатга сазовор. Фитрат ўзбек тилида сўз турлари (ҳозирда “сўз туркумлари”) сифатида от, сифат, сон, феъл, олмошлар қаторида кўмакчи сўзларини ҳам қайд этади, албатта, олим барча ёрдамчи сўзларга “кўмакчи сўзлари” сифатида қараган. У равишлар ҳақида гапирмайди, аммо сифатлар ҳақида фикр билдирганда, сифат баъзан феъл олдида қўлланганда, ҳол маъносига эга бўлишини йўл-йўлакай айтиб ўтадики, унинг бу равишга яқин маъно-мазмун масаласини эътибордан қочирмаганлигини кўрсатади. Сўзларнинг тублиги, ясамалиги, ясама отларнинг турлари, сифат ва унинг даражалари, сонлар ва уларнинг маъно турлари, феълдаги бўлишли-бўлишсизлик, ўзлик мажҳуллик, ўтимлилик-салтлик, қўшма феъллардаги маъноларга, феъл замонларига дахлдор қоидалар, олмошлар, кўмакчи сўзлар билан боғлиқ талқинлар китобдан анчайин батафсил ўрин олган. Аммо ҳозирги тилшуносликда грамматик (хусусан, келишик қўшимчалари) шакллар деб қаралувчи бирликлар “белгилар” номи остида берилган, қайд этиш ўринлики, уларнинг маъно-моҳияти анчайин ишонарли талқин қилинган.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Фитрат у ёки бу грамматик тушунча, ҳодисани тавсифлар экан, бу тушунчани англатувчи термин (истилоҳ)нинг ўз, яъни туркий сўз бўлишига етарли даражада эътибор қаратади, имкон қадар араб-форс аслли сўзни қўлламасликка ҳаракат қилади. Масалан, сонларнинг турлари тавсифида “саноқ сон”, “сира сон”, “улуш сон”, “чама сон”, “ўртоқлиқ сон” каби соф туркийча терминларни ишлатади, ҳозирги тилшунослигимизда турли сабабларга кўра “сира сон”нинг “тартиб сон”, “улуш сон”нинг “тақсим сон”, “ўртоқлиқ сон”нинг “жамловчи сон” каби муқобиллари турғунлашганки, уларнинг ўзаклари арабча ўзлашма эканлиги кўриниб турибди.

“Ўзбек тили қоидалари тўғрусида бир тажриба”нинг иккинчи китоби – “Наҳв” (Синтаксис)нинг “Ўқуғучиларға” дейилган муқаддимасида Фитрат шундай ёзади: “Биз тил қоидалари ҳам унинг атамалари (истилоҳлар) тўғрусида ишлашнинг биринчи пайтидамиз. Шунинг учун тилимизнинг қоидаларини бу майдонга қўйиб, атамаларини собит бир ҳолға келтириб олғанимиз йўқ... Бизнинг китобларимизни муҳокама қилиб ўқурлар. Бунларда қоидалар, атамалар, усуллар тўғрусида фикр юргизалар; фикрларини бизларга ҳам ёзарлар”.

Фитратнинг синтактик назарияси ўз даврига нисбатан анчайин илгарилаб кетган, ўзбек тили синтактик структурасининг тамоман ўзига хослигини кўрсата олган тўлғин бир назариядир.

Фитратнинг кесим ва унинг гапдаги мақоми ҳақидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовор, уни асло четлаб ўтиб бўлмайди. У 1924 йилда нашр этилган “Ўзбек тили қоидалари тўғрусида бир тажриба. Иккинчи китоб: “Наҳв” асарида “бош сўзлар”ни тавсифлар экан, эгадан олдин кесимни тушунтиради. Қушлар боғда эрталаб...; Чўлпон яқинда яхши бир шеър... каби “сўз қўшим”лари гап бўла олмаслигини, улардан тугал ўй англашилмаслигини айтади. У ёзади: “Буларни тугатмак, гап қилмоқ учун биринчисига сайрайдир, иккинчисига ёзди сўзларини қўшиб: 1.Қушлар боғда эрталаб сайрайдир. 2.Чўлпон яқинда яхши бир шеър ёзди, деймиз, англатмоқчи бўлганимиз ўйни тугаллатамиз. Гап тугаладир, сўз кесиладир. Гапнинг тамомланиб, сўзнинг кесилгани шу сайрайдир ҳам ёзди сўзлари билан бўлди. Шунинг учун юқоридағи ики гапнинг охиридағи ёзди, сайрайдир сўзларига “гапнинг кесим сўзлари” ё содача “кесим” деймиз. Гапда сўзларнинг охириға келган, ўз келиши билан сўз қўшимини гапка айлантирган сўз – “кесим” сўздир”. Кўриниб турганидай, Фитрат сўзлар қўшилмасининг гап бўлишида кесимнинг мазмуний-мантиқий жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканлигини, гарчи бугунги замонавий грамматик тушунчалар асосида бўлмаса-да, алоҳида таъкидлаган, айни “кесим” терминини беҳад топқирлик билан ясаган (кес+им) ва қўллаган биринчи ўзбек тилшуносидир.

Ҳатто муайян мулоҳазалар билан эгани гапдаги абсолют ҳоким бўлак деб ҳисоблаган А.Ғуломовдай улкан ўзбек тилшуноси ҳам кесимнинг аҳамияти ҳақида мана бундай ёзган: “Кесим гапнинг уюштирувчи марказларидан биридир; у ҳукмни келтириб чиқарувчи энг муҳим бўлак бўлганлигидан гапнинг асосий мазмунини, характерини у белгилайди... Гап тушунчаси кесим тушунчаси билан жуда зич боғлангандир... Ҳар бир соф феъл бир гапни туғдиради, чунки бунда субъект ҳам ифодаланган бўлади. Бир сўз тусидаги бутунлик гапнинг энг содда формасидир”.

Фитрат мантиқ ва мантиқчиларнинг қарашларидан тўла хабардор олим сифатида мантиқ илми ёки гапнинг актуал бўлакланиши билан боғлиқ талқинларни ҳам тасаввур қилган. Шунинг учун ҳам у ўй ёки ҳукмнинг зеҳний бир гап эканлигини, унинг ҳам бўлаклари мавжуд бўлишини, эски мантиқчиларча биринчи бўлак “мавзуъ”, иккинчи бўлак эса “маҳмул” дейилишини, мавзуъ кўпроқ эгага, маҳмул эса кесимга тўғри келишини, аммо бу ҳамма вақт эмаслигини яхши билган. Фитрат ана шу ҳақиқатларни билгани учун шундай илмий асосни беҳад теран хулоса қилади: “Демак: наҳв китобларида кўрганимиз “гап (жумла) “ким, нима” тўғрисида айтилса, шу эга бўладир” деган таърифлар ўйловга (яъни зеҳний гапларга) кўра тўғри бўлса ҳам, тилдаги гапларга кўра янглишдир. Чунки гап кимнинг, ниманинг тўғрисида айтилса, шу “ким-нима” ўйнинг (мантиқча айтканда, ҳукмнинг) мавзуъи бўладир. Бироқ ҳар вақт тилдаги гапнинг эга сўзи бўлмайдир. Биз мана шунга таяниб, эга, кесим сўзларини таъриф қилганда, янгилиқ ясадиқ. Бошда эгани эмас, кесимни таъриф этдик. Сўнгра “кесим ким-нима тўғрисида айтилса, шу эгадир” дедик”.

Зийрак тилшунос, ҳассос синтаксисчи Фитрат гапдаги кесим ва эгадан бошқа бўлакларни “тўлдирғич сўзлар” номи билан тавсифлаган ва унинг моҳиятини очиб берган, бунда ҳозирги тилшуносликдаги гапнинг иккинчи даражали бўлаклари семантик жаҳатдан янада чуқурроқ, ҳижжалаб тасвирланган. Замонавий синтаксисда ҳам ҳар қандай тадқиқотчининг доимий диққат марказида бўлган гап бўлакларининг тушиб қолиши, гапнинг уюшиқ бўлаклари каби масалалар, гап турларининг қурилиш жиҳатлари, айни пайтда бу қурилиш билан боғлиқ ҳолатда турғунлашган ва намоён бўладиган гапнинг маъно-мазмуний турлари бениҳоя ўзига хос бир тарзда ёритилган.

Қиссадан ҳисса шуки, Абдурауф Фитрат ўтган асрнинг бошларида ўзбек илмий тилшунослигининг мустаҳкам асосларини яратишдай қутлуғ ишга муносиб ҳисса қўшган, бу ишнинг саркорларидан бўлган атоқли тилпарвар, чин ватанпарвардир.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**ЎР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

ХОТИРА АЗИЗ

**(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).**

**Абдухайиров Абдубакр** – 1900 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олинганга қадар оқловчилар коллегияси аъзоси бўлган. Ўз уйида аксилинқилобий йиғинлар уюштириб, Совет ҳокимиятига нисбатан норозилик кайфиятини ифода қилганликда айбланган. Унга 10 йил қамоқ жазоси берилган. Жазо муддати 1937 йил 17 сентябрдан ҳисобланган.

**Жўрабоев Тўлабой** – 1883 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. 1921-1926 йиллари ташкилот топшириғи билан Совет аппарати бузилишига олиб келган аксилинқилобий йиғинларда қатнашганликда айбланган. 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

**Фахриддин Рожий Насриддинович** – 1878 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Қамалгунга қадар ўқитувчи бўлган. Аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган.

**Шакурий Абдуқодир** – 1875 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олингунга қадар нон конторасида хизматчи бўлган. Ўз уйида миллий, аксилинқилобий йиғинлар ташкил этиб, Совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 17 сентябрдан ҳисобланган.

**Насриддинов Зайниддин** – 1869 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот аъзоси. Ҳибсга олингунга қадар Трансторгпитда тайёрловчи бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий йиғинларда иштирок этиб, иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда айбланган. 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган.

**Саидов Мулло Ҳусайни** – 1897 йили Каттақўрғон шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. 1932 йили ЎзССР Жиноят кодексининг 66 ва 175-моддаларига кўра 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Қамалгунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. У 500 кишидан иборат босмачилар тўдасини ташкил этганликда айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган.

**Ҳидоятбеков Иноят** – 1897 йили ЎзССР Каттақўрғон шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олингунга қадар нонвойхонада ҳисобчи бўлган. Босмачилар тўдасини ташкил этганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 20 сентябрдан ҳисобланган.

**Бойматов Ҳикматилла** – 1895 йили Поп қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлими 3444-сонли айблов иши бўйича отувга ҳукм қилинган. Дастлаб 1934 йили социалистик мулкни талон-тарож қилгани учун у 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Қамоққа олинган вақтида колхоз раиси бўлган. Колхоз раиси лавозимидан фойдаланиб қулоқларни яширганликда, камбағалларни колхоздан ҳайдашда айбланган.

**Одилов Илҳом** – 1888 йили Тошкент шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ва “Миллий истиқлол” аксилинқилобий ташкилотлари аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлган. У ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб бориб, партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига бўҳтон қилганликда айбланган. 10 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган.

**Саиджонов Юнусбой** – 1877 йили туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Қамалгунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботини олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 6-моддаси 1-бандига кўра 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 15 сентябрдан ҳисобланган.

**Саиджонов Қурбонжон** – 1886 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотининг собиқ аъзоси. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботини олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-бандига кўра 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**Султонов Субхонқул** – 1890 йил Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. У халқ душманлари билан алоқадорликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 66-бандларига кўра 10 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**Султонов Ҳусайн** – 1896 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 66- моддаси 1-бандига кўра 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**Умаров Латиф** – 1901 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотининг гуруҳ раҳбарларидан бири. Қамоққа олингунга қадар фелдшерлар мактаби директори бўлиб ишлаган. ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 66-моддаси 1-банди билан 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,**
*тарих фанлари доктори,*
*профессор,*
**Нигорахон АКБАРОВА,**
*илмий ходим*

**(Давоми келгуси сонда).**

ТАРАННУМ

**Ватанпарварлик туйғусини ёшларимиз қалбида янада камол топтириш йўлида адабий, маънавий-маърифий кечаларнинг ўз ўрни бор. Барча жабҳада якдиллик, мақсадлар муштараклиги, эзгу ишлар йўлида бирлашиш ҳар биримизнинг олдимиздаги зарурий вазифалардан бирига айланиб бормоқда.**

**2023 йилда Президентимиз ташаббуси билан тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, эл-юрт фаровонлиги учун сафарбарлик, ватанпарварлик, мардлик ва жасорат сингари эзгу фазилатлар акс эттирилган "Ватан манзумаси" номли дастур тайёрланиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган эди.**



# "ВАТАН МАНЗУМАСИ" ВИЛОЯТЛАРДА

Мазкур адабий-маърифий кеча Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли юртимизда шаклланган "Халқ билан армия – бир тану бир жон" деган эзгу анъанани, айниқса, ижодкорлар ва ҳарбий хизматчилар орасида якдилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга. Дастлаб пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ўн кундан зиёд узлуксиз намойиш этилган ушбу адабий дастур кенг жамоатчиликнинг таклифига кўра, республикамизнинг барча ҳудудларида томошабинларга тақдим қилинган эди.

Шундан сўнг "Ватан манзумаси" дастури анъанавий тус олиб, жорий йилда ҳам янгича кўриниш, оригинал ижодий ёндашувлар асосида мухлисларга тақдим этилди. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, эл-юрт фаровонлиги учун сафарбарлик, Ватанни севиш, мардлик ва жасорат сингари эзгу фазилатлар улуғланган бу галги дастур ҳам зиёлилар, ёшлар, ҳарбий хизматчилар, талабалар, мактаб ўқувчилари ва бошқа кўплаб томошабинларга сонли олқишлар сазовор бўлмоқда. Зотан, унда бугунги осойишта ҳаёт, юртимиздаги ижтимоий барқарорлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамияти ёрқин шеърий-мусиқий композицияларда ўз ифодасини топган. Айниқса, Ватан олдидаги бурчини адо этиш чоғида мардона ҳалок бўлган ҳарбийларнинг порлоқ хотирасига эҳтиром, давлатимиз томонидан уларнинг оиласи ва фарзандларига қаратилаётган эътибор ҳам ўз аксини топганлиги ушбу дастурнинг таъсирчанлиги ва тарбиявий аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилган.

Шунингдек, дастур давомида мард ва жасур аскарларнинг она Ватанни асраб-авайлаш ҳақидаги арслонининг наърасидек жаранглайдиган ҳайқириқлари, "Алпомиш қайтди элига" композицияси давомида чор атрофдан саҳнага алпқомат йигитларнинг чиқиб келиши ҳам томошабинларга кучли эмоционал таъсир кўрсатмоқда. Таниқли шоирларнинг Ватан ва она халққа садоқат туйғуси ифодаланган шеърларини ижодкор ёшлар қалбдан ҳис қилиб, жўшиб ўқигани ҳам тадбир иштирокчиларини тўлқинлантириб юборганига гувоҳ бўлдик. Дастур мазмун-моҳиятига мос равишда танланган эпларварликни мадҳ этадиган қўшиқлар ҳам унинг савиясини оширишга хизмат қилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йилнинг март ойида "Туркистон" саройида бир ҳафтадан зиёд турли соҳалар вакилларига, ёшларга намойиш қилинган ушбу дастур ижодкорлари айни кунларда ҳудудларда ижодий сафарни давом эттиришмоқда. Шу кунгача Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятларида муваффақиятли намойиш қилиниб, томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди.

**Маъмура ЗОҲИДОВА,**
**Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

ЎЛМАС ЖАМОЛ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ

# ТОЖИКИСТОННИНГ УРГУТЛИК ФАРЗАНДИ

**"Чор девон" соҳиби", "Зуллисонайн шоир", "Икки чаман булбули", "Тожикистоннинг ургутлик ардоқли фарзанди...". Бу каби таъриф ва эътирофлар яқинда Самарқанднинг сўлим Ургут шаҳрида бўлиб ўтган адабий-маърифий тадбирда қайта-қайта тилга олинди.**

**У бундан 90 йил муқаддам – 1934 йилнинг 17 май санасида Ургут шаҳрида туғилди. Оилада дастлаб кўп йўқотишлар бўлгани сабаб болага Ўлмас деб исм беришди. Отаси Жамол нонвой, онаси Меҳринисо бахтига у соғлом ва дуркун бўлиб вояга ета бошлади. Мактабга борди. Зукко ва тийраклиги билан тезда кўзга ташланди. У ҳар жиҳатдан пешқадам бўлса-да, ғоятда камтарин, жўражон, меҳрибон эди синфдошларига...**

**Нимадир сабаб бўлиб, Жамол нонвой оиласи Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрига кўчади. Янги шаҳар, янги мактаб, янги синфдошлар...**



Тожикистонлик машҳур ўзбек шоири, жамоат арбоби Ўлмас Жамол туғилиб-ўсган хонадонда бошланган адабий-маърифий тадбирда иштирок этарканман, хаёлимдан дастлаб кечганлари шулар бўлди. Ҳа, у олис Душанбеда яшаб, ҳар қанча нашъу намо топган эса-да, мазкур мўъжазгина хонадон ва унга боғлиқ армонли-тотли хотиралардан асло айро тушмаган. Шоир ибораси билан айтганда бу хотиралар унга суянч тоғлар, қоялар бўлиб ортидан эргашиб юргани муқаррар.

*Кўзимга нур олдим*
*чақмоқларингдан,*
*Қушларинг сасидан қалбимга сурур.*
*Софликни ўтиндим булоқларингдан,*
*Тоғларинг англатди нелигин ғурур...*

Ўлмас Жамол таваллудининг 90 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбирда кўплаб шоир-ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, тожикистонлик меҳмонлар, Ургут туман жамоатчилиги вакиллари, ўқувчи ва талабалар ҳамда шоирнинг оила аъзолари қатнашди. Тадбир шоир туғилган хонадонда бошланиб, шоир хотираси ёдга олинди, унинг исми-шарифи битилган барельеф очилди. Шоирнинг руҳи покига бағишлаб Қуръон оятлари тиловат қилинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ўртасидаги дўстлик алоқаларининг амалий ифодаси сифатида бунёд этилган 154-сонли умумтаълим мактабида тадбир давом этди.

Маълумки, Ўлмас Жамол "Сурур", "Масрур", "Манзур", "Маъмур" номли арузий мажмуалар, яъни "Чор девон" яратган. Бу борада мумтоз шеъриятимиз анъаналарини муваффақиятли давом эттирган ижодкорлардан эди. Шоир девонларидан ўрин олган ғазаллардан юзга яқини куйга солинган. Фахриддин Умаров, Камолиддин Раҳимов, Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиев, Ўринбек Ҳамдамов, Озодбек Назарбеков каби машҳур ҳофизларимиз томонидан ижро этилган мазкур қўшиқлар халқларимиз маънавий мулкига айланган. Адабий-маърифий тадбирда Ўлмас Жамол шеърлари асосида яратилган қўшиқлардан намуналар ижро этилди. Айниқса, унинг "Ўзбекистон ўғлидурман, тожиким гуфто писар..." деб бошланувчи ширу шакар йўналишида ёзилган қасидаси тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

*Аз қадим ўзбегу тожик –*
*эт билан тирноқ эрур,*
*Қон-қариндошлик шиораш,*
*қўлида байроқ эрур,*
*Бир-бирин меҳмонга чорлаб,*
*йўлида муштоқ эрур,*
*Тоқати ҳижрон надорад,*
*васлига чанқоқ эрур,*
*Ушбу дўстлик ҳар қадамда*
*топгуси фатҳу зафар.*

**Орзиқул ЭРГАШ**

# ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

**Куни кеча Ўзбекистоннинг Тожикистондаги элчихонасида бир гуруҳ зиёлиларимиз иштирокида ўтказилган тадбир "Ватандошлар" жамоат фонди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Заковат" интеллектуал ўйини ташкилотчилари ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Муҳташам элчихонамиз биносида ташкил этилган "Заковат" интеллектуал ўйинида фаол қатнашган олти жамоа орасидан Тожикистонда ўзбек тилида нашр этилаётган "Халқ овози" газетасининг ёш ходимлари ғолиб бўлди.

– Биз бу ўйинни Ўзбекистон телевидениеси орқали кўриб, унда қатнашишни орзу қилиб келардик, – дейди ғолиб жамоа сардори Зуҳриддин Умаров. – Мана энди нафақат қатнашиш, балки ғалаба қозонишга ҳам муяссар бўлдик.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Муножат Йўлчиева ҳаёти ва ижодига бағишланган Мамлакатхон Улашеванинг "Муножат" деб номланган китоби тақдимоти ҳам икки халқ зиёлилари иштирокидаги даврага янада файз бағишлади.

– Китоб тақдимоти Тожикистонда ўтказилиши мен учун ҳаяжонли кечди, – дейди Муножат Йўлчиева. – Чунки кейинги йилларда юртимизда юксак эътибор берилаётган мақом санъати ҳар икки халқ учун ҳам қадрлидир. Китоб тақдимотига тожикистонлик мақом усталари, ижодкор зиёлилар келишгани эса мен учун ҳам, шогирдим Мамлакатхон учун ҳам қувонарли бўлди.

Иштирокчилар учун Муножат Йўлчиева, Оғабек Собиров, Мардон Мавлонов томонидан ўзбек ва тожик тилларида куйланган қўшиқлар даврага ўзгача шукуҳ улашди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Ватандошлар" жамоат фонди томонидан элчихона музейи ва Душанбе шаҳридаги 103-сонли ўзбек мактаби учун китоблар ва эсдалик совғалари тухфа этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эргаш Шоисматов йиғилганларга миннатдорлик билдириб, бу тадбирларнинг давомида Тожикистоннинг турли жойларида нишонланаётган, Тожикистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилган таниқли ғазалнавис шоир, дўстлик куйчиси Ўлмас Жамол таваллудининг 90 йиллиги тантаналарига уланиб кетишида рамзий маъно борлигини билдириб ўтди. Зеро, шоирнинг ўзи ёзганидек:

*Икки тилда сўзлагувчи бир элим ёбад камол,*
*Хизматашро аз дилу жон мекунад Ўлмас Жамол.*

**Мансур ЖУМАЕВ**

ЗАРДА

**Тахминан бир ой олдин ижтимоий тармоқларда қардош қозоқ йигитининг ўзбек халқининг олижанoблиги ва мардлиги чегара ҳудудларимизни сув босган чоғи кўрсатган амалий кўмагида яққол билинди, деган самимий эътирофдан барчамиз фахр-ифтихор туйган эдик...**

# ТЕКИН БЎЛСА... ГУЛМИХ ЮТАМИЗМИ?

Аммо, мисқоллаб йиғиб, ботмонлаб сочибди, деганларидек, бағрикенг элимизнинг ана шундай инсоний фазилати бахш этган сурурни куни кеча бир тўда латтапараст хотинлар оломони кўрсатган "томоша" селдек ювиб кетди, десам адашмаган бўламан. Ахир, интернет, ижтимоий тармоқлар дунёнинг чекка бир бурчагида рўй берган ҳар қандай ҳодисани ўзининг манфаати нуқтаи назаридан бутун афкор оммага кафтдек кўрсатадиган восита бўлса...

Ўзбек тилига "Харид васвасаси" деб таржима қилинган "Шопоголик" фильмида олифта қиз моларастликка мукасидан кетиб, хатто банк кредити эвазига бўлса-да, кийим-кечак сотиб олишдан ўзини тийолмайди. Натижада тез орада ботиб, ночор аҳволга тушади. Шифокорлар унга "шопоголизм" ташхисини қўйишади. Психологларнинг таъкидлашича, бу дарди бедаво ёлғизлик ва депрессия азобини тортаётган кишилар томонидан ўзини ўзи юпатиш ва таскин топиш учун қилинадиган ҳаракат экан.

Куни кеча ижтимоий тармоқларда чегирма эълон қилинган аёллар дийний либослари дўконида хотин-қизлар иштирокида одам уяладиган даражада ур-йиқит юзага келгани тасвирланган видео-лавҳа тарқалди. Тўс-тўполонда талвасага тушиб, жон-жаҳди билан ўзини "Umika shop" деб номланган дўкон ичкарисига ураётган ўзбек аёлларини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Кишининг бу қадар васвасага тушишига нима сабаб бўлиши мумкин? Йўқчиликми? Онгсизликми? Кўзи очликми? Нима?!

Бу "кўпкари"да ёши улуғ аёлларнинг ҳам борлиги ўта ачинарли ҳол. Балки, уларга ҳали "шопоголизм" ташхиси қўйилмагандир... Уларнинг муҳтожликуриш улардаги эътиқоднинг хасталигидан дарак эмасми? Наҳотки, уларнинг бошида эри, отаси, ака-укалари, ўғиллари, ориятли кишиси бўлмаса?! Тасвир остида қолдирилган изоҳларнинг аксариятида аёлларнинг ўрангани, тавқоли эканига урғу берилган. Ҳақиқий муслима аёлнинг ишими шу? Уларнинг бу қилмиши икки ҳисса иснодга сабаб эмасми? Қолаверса, ҳеч кимдан ҳаё қилмаган, тортинмаган тақдирда ҳам инсон аввало, ўзидан, Ўзидан уялмайдими? Уятини йўқотган кишининг қалбида эътиқод, иймон бўлиши мумкинми?!

Ажабланарлиси, изоҳлар орасида: "Нима бўлипти, шунга шунчами" қабилида фикрлар ҳам бор. Бошқа бир кузатувчи эса: Аёлим "бундай шармандаликдан кўра киймисза ўтирганим афзал" деди, дея куюнчаклик билан муносабат билдирган. Ростдан ҳам, "латта жанги"да эшигу илгич, камераю компьютер начоқ бўлганига қараб, бу толеи паст, манглайи қора пошикасталар дўконга отланаркан, азобли кунини важҳидан бирор бойвучча қўшнисидан "абая"ларини ижарага олганми, деган иштибоҳ ҳам ўтди кўнглимиздан.

Хўш, таниқли инсонлар шахсий ҳаётининг икир-чикиригача эринмай муҳокама қиладиган, ярим кечаси ширин уйқусидан кечиб, "фалончи фалончининг зурриёди, алдасам Худо урсин!" деган қасам аралаш пост қўядиган бедор, жонсарак аналитиклар нега жим? Ўзини халқпарвар, миллатпарвар кўрсатишга моҳир жиғарсўхта блогерлар қайси ошиёни баландда ниманинг чамасида экан?!

Бу каби шармандаликка зиёлилар қарши туриб, қатъий эътироз билдирмаса, маҳалла оёққа турмаса, бундан ҳам баттарроқ томошалар бўлмайдими? Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари бу ҳолатга нега муносабат билдирмаяпти?

"Umika shop" дўконининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасида айтилишича, савоб олиш ниятида ўша куни буюмларнинг нархи ўн карра пасайтирилган эмиш... Агар ниятлари эзгу ва холис бўлса, нарх-наво доим арзон тутиб турилса бўлмайдими?

Яна бир савол. Бу каби ҳолатларни тасвирга олиб, тарқатишдан "савобталаб дўкондор" қандай манфаат кўради? Ёки ушбу чегирма ҳам, тўс-тўполон ҳам "қора пиар" учун қилиндими?

Ўтган йиллар давомида дошқозонда пишган текин ошни, автосалонда анқога шафеъ шартномани, бозордаги "Элга хизмат" растасидаги арзон картошка-пиёзни, ковид мавсумида саримсоқпиёзни талаган оломон қачондир китоб ҳам талашармикан?!




**Муяссар ИБРОҲИМОВА,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори**

Jadid
adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

*Муассислар:*

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ" ЖАМОАТ ФОНДИ

**Бош муҳаррир:**
Иқбол Мирзо

**Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:**
Ҳумоюн Акбаров

**Навбатчи муҳаррир:**
Гулчеҳра Умарова

**Саҳифаловчилар:**
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

**Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.**

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 6291
Лотин ёзувидаги адади – 11962
Медиа кузатувчилар – 12873
Буюртма: Г – 539
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



**Манзилимиз:**
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

**Телефонлар:**
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**
**Босмахона манзили:**
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 22:25
Сотувда нархи эркин.

jadid-media.uz